O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 9-oktabr, chorshanba ✱ № 42 (846) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

Лойиҳадан амалиётга

Парламент комиссияси ташкил этилгандан буён ННТлар, фуқаролик институтларини давлат грантлари, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш ҳажми бир неча баробар ошгани ва бу катта саъй-ҳаракатлар самара бераётганини хориждик экспертлар ҳам эътироф этишди.

➪ 2-бет

Халқ маънавияти билан улуғдир

Бугун телеканалларда, кинотеатрларда отишма, портлатиш, ўлдириш, ёқиб юбориш, сўйиш каби жиноий хатти-ҳаракатларни кўриб кўзи қотаётган Европа ва Россиядаги болалар тақдири ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

➪ 5-бет

Танлов сиздан, баҳо биздан

Ҳинд келинлари неча асрки, қадимий урф-одатларига содиқлик билан ҳалигача сариларини тўй кечаси кийишяпти. Ёки японялик келинчаклар ўз кимоносидан воз кечишгани йўқ. Шундай экан, сиз нега миллий либос кийишдан уяласиз?

➪ 6-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақидаги" 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 8 октябрь

Фармон ва ижро

ҲУНАР – ҲУНАРДАН УНАР

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлаётир.

Бугун «Ҳунарманд» уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлими фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бўлимда «устоз-шогирд» анъанаси асосида ёшлар ҳунар ўрганиб, моҳир усталар иштирокида ўтказилаётган маҳорат сабоқларида кўникмасини оширмоқда. Шойи, атлас, адрас каби миллий матоларимизнинг қадимий нусхаларини тиклаш, янгиларини яратиш борасидаги изланишлар, айниқса, ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Суратда: «Ҳунарманд» уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлимида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **5 октябрь куни "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.**

✱ 8 октябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

✱ **Мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Брюссель мэриясининг Готика залида Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими ўтказилди. Унда Бельгия вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, Европа комиссияси, Европарламент, дипломатия корпуси вакиллари, ишбилармонлар, жамоат арбоблари, эксперт ҳамда журналистлар иштирок этишди.**

✱ Шу кунларда Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент қизғин давом этмоқда.

✱ **Берлинда Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дурбек Аманов ГФР Федерал президенти Йоахим Гаукка ишонч ёрлиғини топширди.**

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Жамият

Сиёсий партиялар нашрлари – демократик ислоҳотлар кўзгуси

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.

Маълумки, партиялар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш орқали уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш мақсадида давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Шу аснода партиялар халқнинг давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлишига кўмаклашадилар, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшадилар, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларининг амалга ошишида муҳим сиёсий восита бўлиб хизмат қилади.

Партиялар фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим сиёсий куч эканлигини этироф этиш лозим. Айнан шунинг учун ҳам жамоат бирлашмаларининг бир тури бўлган партиялар "сиёсий" лик хусусиятига эга. Бинобарин, Конституциямизнинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар", деб белгиланган.

4 ➪

ОБУНА – 2014

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2014 йил учун обуна бошланди. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг, Обуна бўлинг!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Навоийобод сир-синоатли саноат



Ҳар бир халқнинг буюклар ичида энг буюги, суюклар ичида энг суюги, чексиз ифтихори, қаторда нори бўлади. Улуғ шоир, адиблар нисбат бериб айтадиган бўлсак, ўзбекларда Навоий, русларда Пушкин, инглизларда Шекспир, немисларда Гёте, итальянларда Данте, ҳиндларда Тагор, қозоқларда Абай... Навоий шаҳрида бобокалонимизга ўрнатилган муҳташам ҳайкалнинг очилиши маросимида Президентимиз уларни "авлиёлар авлиёси, мутаффакирлар мутаффакири, шоирлар султони", дея юксак мақомда таъриф-тавсиф этган, лўнда, пурмаъно баҳо берган эдилар.

3 ➪

Фаолият

Мурожаатларга оид қонунчилик такомиллашмоқда

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг мурожаатлари институти ўз кўлами, амалиётда қўллаётган иш услуби, тўплаган тажрибаларига кўра аҳолидан тушаётган мурожаатларни кўриш, муаммоларни ҳал этишда демократик тамойилларга асосланади. Маълумки, Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида, жумладан, унинг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" ёки 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт" экани белгиланган.

Айнан мана шу конституциявий нормалар ва ундаги кафолатлар фуқароларнинг мурожаатлари институтининг фаолият мезонларини ташкил этади. Маълумки, фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ва уни кўриб чиқишдаги муносабатлар 1994-ва 2002 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонун нормаларига амал қилиш ва уни бажариш учун республика бошқаруви ва ҳокимияти органларининг деярли барчасида "Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш" тартиби (улар турлича номланган: йўриқнома, низом, қўлланма ва бошқалар) тегишли қонуности ҳужжат мақомида қабул қилинган. Яратилган ушбу ҳуқуқий асослар орқали фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришишлари назарда тутилган. Ушбу масалага мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан фуқаролик жамиятини шакллантириш ва кучли ижтимоий сиёсат юритиш, бевосита фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳам намоён бўлиши устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Яна бир жиҳатини алоҳида қайд этиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини баҳоловчи ўзига хос мониторинг ҳам ҳисобланади. Юртбошимиз 2012 йил 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги, шу билан бирга талаб-эҳтиёжи ҳам ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг масъулияти юқори бўлиши лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб: *"Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агар ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун ечмаса, эртага кеч бўлади",* — деган эди.

Шу кунларда мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етказилаётган, депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинаётган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, унга киритилаётган ўзгартиришлар юқорида қайд этилган мақсадларга хизмат қилади. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва 2013 йил 20 мартда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Жорий йил 29 апрелда палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Тайёрланган қонун лойиҳасида амалдаги қонунга нисбатан бир қатор янгиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда акс этади:

биринчидан, тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш; **иккинчидан,** қонунни татбиқ этиш доирасининг белгиланаётгани; **учинчидан,** мамлакатимизда ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ кенг тарқалаётган "электрон мурожаат" турининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши қонун лойиҳасининг муҳим янгилиги саналади.

Тўртинчидан, процессуал қонунчилик билан тартибга солиниши белгиланган ҳуқуқий муносабатларни қонуннинг тартибга солиш доирасидан ажратадиган қоидалар киритилган. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинадиган мурожаатлар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни қонуннинг тартибга солиш доирасидан ажратадиган қоидалар ҳам киритилган. Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг масъулиятлари оширилган. Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатлари ҳам киритилди. Ниҳоят, амалиётда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилиб, таъриф берилган ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланмоқда. Бу мурожаатларни давлат органлари, ташкилотлар томонидан кўриб чиқилишида ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг номи амалдаги қонунга нисбатан бирмунча ўзгартирилган ва кенгайтирилган. Бунда хориж тажрибаси ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илғор жиҳатларига эътибор берилган. Лойиҳада янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номланиши мақбул деб топилган.

Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ, Швейцария, МДҲнинг айрим давлатлари давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Қозоғистонда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги, Белорусда "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, Канадада "Квебекнинг юридик шахсларнинг махсус ваколатлари тўғрисида"ги қонунлари шулар жумласидандир. Айрим хорижий давлатлар томонидан эса мазкур масаланинг ечими маъмурий тартибот соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида акс эттирилиб, уларда нафақат фуқаролар, балки юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам тартибга солинган. Масалан, Германия ва Швейцарияда "Маъмурий тартибот тўғрисида"ги, Озарбойжонда "Маъмурий иш юритиш тўғрисида"ги, Арманистонда "Маъмурий фаолият ва маъмурий иш юритиш асослари тўғрисида"ги қонунлар мавжуд бўлиб, ушбу қонун ҳужжатларида юридик шахсларнинг мурожаатларини тақдим этиш, уларни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш тартиблари, мурожаатларнинг шакллари, уларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муддатлари аниқ белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, қонун лойиҳаси амалдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун негизида ишлаб чиқилган бўлса-да, ундаги қатор янгилик ҳисобланган концептуал фарқ қилувчи жиҳатлар борки, бу уни тайёрлашда бугунги кун талаблари ҳисобга олинганини, шунингдек, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг учинчи сектор, яъни нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилинишига эътибор қаратилаётганини изоҳлайди.

Камола ҲАМИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ижтимоий шериклик

Лойиҳадан амалиётга

Вобкентлик Фахриддин Бўронов бир неча йилдан буён ўзи истиқомат қилаётган қишлоғидаги ёшларни иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб юрарди. Мазкур режани амалга ошириш учун унга молиявий ёрдам керак эди. Бу борада Фахриддин акага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди яқиндан кўмаклашди. Анча йиллардан бери асаларичилик билан шуғулланган Фахриддин ака ниҳоят ўз мақсадига эришди. У қишлоғидаги бу соҳага қизиққан ёшларга асаларичиликнинг сир-синоатларини ўргатишга киришди.

— Анчадан буён мазкур танловлар ҳақида эшитиб келаман, — дейди «Бизнес инкубатор Вобкент» ННТ раҳбари. — Жорий йилда грант танловларига иккита лойиҳа билан қатнашдик. Парламентдаги комиссия аъзолари иккита лойиҳадан «Етти хазинанинг бири» деб тан олинган асаларичиликни ёшларга ўргатиш лойиҳасига грант ажратишди. Бундан хурсандмиз. Грант маблағи эвазига маҳаллада ишсиз юрган ёшларни корхонамизга жалб этиб, соҳа сирларидан бохабар этамиз. Келгусида асаларичилик билан шуғулланаман деганларига эса мустақил фаолият олиб боришларига кўмаклашамиз.



Жорий йилнинг 3-4 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган 3-4-5-танловларнинг 91 нафар ғолибига грантлар топширилди. Шунингдек, улар учун «Лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, грант маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзуида икки кунлик ўқув семинари ташкил этилди.

— Мазкур ўқув семинарни ташкил этишдан мақсад ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар амалга оширилишида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш, ахборот алмашув фаолиятини кучайтириш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини оширишда, грант маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши юзасидан ННТларнинг кўникмаларини шакллантириш, жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий, гуманитар вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шерикликни кучайтиришдан иборат эди, — деди жамоат фонди директори Абдижалил Тўраев. — Бугунги кунда давлат дастурларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишда ННТлар фаол иштирок этишяпти. Мазкур жараёнда давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Тадбирда қатнашган Адлия вазирлиги вакили — Жаҳонгир Ширинов Ўзбекистон қонунчилигида учинчи сектор ривожи учун янада кенг имкониятлар яратиш назарда тутилганини таъкидлади.

Парламент комиссияси ташкил этилгандан буён ННТлар, фуқаролик институтларини давлат грантлари, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш ҳажми бир неча баробар ошгани ва бу катта саъй-ҳаракатлар самара бераётганини хорижлик экспертлар ҳам эътироф этишди. Тадбирда сўз олган Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Наиял Резяпова бу борада амалга оширилаётган ишларга алоҳида таъриф берди. Жумладан, у 2011 йилга нисбатан жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланган ННТлар сони 60,7 фоизга ошгани, молиявий кўмак натижасида жорий «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўз тузилмасига эга бўлган 12 та ННТ давлат органлари билан ҳамкорликда 18 та йирик ижтимоий буюртмаларни амалга оширгани, 2013 йилнинг бугунига қадар эса 239 та ижтимоий лойиҳага 3 миллиард 303 миллион 800 минг сўм миқдорида маблағ ажратилганини катта муваффақият, деб баҳолади.

Фақат бугина эмас, грант маблағлари ва давлатнинг фаол кўмаги натижасида ҳудудий ННТлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2011 йилга нисбатан 62,6 фоизга ошган. Жорий йилнинг учинчи чораги якунларига кўра, 250 та ННТга берилган молиявий ёрдам миқдори 3,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Жамоат фондининг маълумотларига кўра, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор берилаётир. Натижада ННТ ва ОАВлар жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминловчи, жамоатчилик назорати ва давлат билан аҳолининг қайта алоқасини мустаҳкамловчи муҳим воситага айланди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жамоат фонди парламент комиссияси билан биргаликда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ОАВнинг лойиҳаларига катта эътибор билан қарамоқда. ОАВнинг ривожланиши, аҳолининг очиқ минбарига айланиши учун ҳар томонлама молиявий кўмак бераётир. Тадбирда юртимизда фаолият олиб бораётган 20 га яқин нодавлат босма ва электрон нашрларга грантлар топширилгани ҳам фикримиз исботидир. Грант ғолиблари деб эълон қилинган ОАВнинг аксарияти вилоятлар ва туманларда фаолият олиб бораётгани, уларга қаратилаётган эътибор барчамизни қувонтиради, албатта.

— Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирокини кузатиш мумкин, — деди "Моҳият" газетаси муҳбири Умид Алимов. — Бу борада уларга яқиндан кўмак бераётган мазкур грантлар янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилаяпти. Ана шу ўзгаришлар ҳақида халқимизга холисона ахборот бериш ОАВнинг зиммасида. Мазкур жараён борасида таҳлилий мақолалар ёзиш, репортажлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида фонд томонидан эълон қилинган танловга ўз лойиҳамиз билан қатнашдик. Лойиҳамизнинг грантга сазовор бўлгани бизни қувонтирди. Галдаги вазифамиз лойиҳада кўрсатилган ишларни амалда намоён этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Парламент комиссияси ва жамоат фонди ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Фридрих Эберт жамғармаси, БМТ Тараққиёт дастури ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбир жамиятимиз тараққиётига хизмат қиладиган лойиҳаларнинг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ
(фото), «Hurriyat» мухбири

Акция

Ҳаёт учун курашган бахтга етади

Аёл Яратганнинг буюк мўъжизаси. Дарҳақиқат, ана шу мунис зот туфайли ҳазрати инсоннинг умри бардавом. У — гўзаллик, нафосат ва меҳр тимсоли. Унинг саломатлигини кўз қорачиғидек асраш эса юртнинг эртасини авайлашдир.

Айни кунларда Тошкент шаҳрида «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратонига қарши миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан акция ўтказилмоқда. «Салус Вита» ҳамда «МДС-Сервис» шифохоналарида шу йилнинг 12 октябригача давом этадиган ушбу тадбир мобайнида пойтахт аёллари маммалог, гинеколог ҳамда руҳшунос маслаҳатларидан бепул фойдаланишлари ва энг замонавий тиббий техникалар орқали текширувлардан ўтишлари мумкин.

— Хайрли анъанага айланган бу акция аёлларимизни ўз соғлигига бефарқ бўлмасликка даъват этади. Асосий мақсадимиз юртимизда хавфли ўсма касалликлари сирасига кирувчи кўкрак бези саратони профилактикасини ўтказишдир. Яъни, бу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларидан кенг оммани хабардор этиш, уни эрта даврларда аниқлаш ва керакли тиббий йўл-йўриқларни кўрсатишни ният қилганмиз. Эътибор беринг: ўтган беш йил мобайнида 27 мингдан зиёд хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди ва керакли тавсиялар берилди, — дейди шифокор-маммалог Севара Жаҳонгирова. — 2013 йил бошидан бери эса 890 кишига тиббий маслаҳатлар берилди. Жумладан, 17 июнь куни республика Мудофаа вазирлиги қошидаги марказий шифохонада ҳарбий аёллар ва соҳада фаолият юритаётган эркакларнинг рафиқалари тиббий текширувлардан ўтказилди. 19 нафар аёл Исроилдаги Хадасса университети шифохонаси мутахассислари маслаҳатларидан баҳраманд бўлишди. Қолаверса, «Ўзбекистон темир йўллари»даги 512 нафар ҳамда «Beeline» компанияларида фаолият юритувчи 161 нафар хотин-қиз шифокорлар тавсияларидан фойдаланишди.

Мазкур акция давомида нафақат пойтахтимиз аҳолиси, балки барча вилоятларда яшовчи аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтиш имконига эга бўладилар. Яъни, шу йилнинг ноябрь ойида барча вилоятларда икки кунлик тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, баъзан йиллар давомида бирор марта шифокор кўригига бормаган ва ўз вужудида қайсидир касаллик илдиз отаётганини тасаввур қилмайдиган аёллар ҳам йўқ эмас. Мутахассис шифокор С.Жаҳонгировадан иштирокчи аёлларда аниқланаётган хасталиклар ҳақида ҳам сўрадик:

— Ўтган йили 750 нафар хотин-қиз тиббий текширувлардан ўтказилган бўлса, шундан тўрт нафарида хавфли турдаги кўкрак бези саратони аниқланди ва зарур тиббий тавсиялар берилди. Қолаверса, бир қанча аёлларга турли даражадаги соҳа касалликлари ташхиси қўйилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Агарда киши ўз соғлигига бефарқ бўлмай ҳар йили бир марта шифокор қабулига борса, нафақат кўкрак бези саратони, балки бошқа кўплаб хавфли касалликларнинг олдини олган бўлади, — дейди Севара опа. — Қолаверса, шуни айтишим зарурки, 35 ёшдан ошган аёллар, албатта, маммалог маслаҳатидан фойдаланишлари керак. Ёш опасингилларимизнинг ҳам ушбу акцияда қатнашишлари фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шифокор билан суҳбатлашиб ўтирганимизда ўзини Замира Набиева деб таништирган аёл ташхис хонасига кириб келди:

— Мен ҳар олти ойда бир марта ушбу «Салус Вита» шифохонасида тиббий кўрикдан ўтиб тураман. Бугун ҳам шунчаки маслаҳатга келган эдим, шу акция ўтказилаётгани ва унда қатнашишим мумкинлигини айтишди, — дейди у ҳол- ахвол сўрашгач. — Ўзимда ҳеч қандай нохушлик сезаётганим йўқ. Аммо аёл киши ўз соғлигига жуда эътиборли бўлиши, турли касалликларни ўзига яқин йўлатмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Менинг тўрт нафар фарзандим, ажойиб оилам бор. Уларнинг бахти учун ҳам соғ бўлишим ва узоқ яшашим керак. Шунинг учун вақтида шифокорлар маслаҳатидан фойдаланаман. Фурсатдан фойдаланиб, акция ташкилотчиларига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Уларнинг биз каби аёллар соғлигига бу қадар эътибор қаратаётганларидан жуда хурсандмиз.

«Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратонига қарши кураш миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган ушбу акция давомида Замира опа каби яна кўплаб аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади ва зарур тавсиялар берилади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
«Hurriyat» мухбири



(Бошланиши 1-бетда.)

Навоийобод

Дарҳақиқат, Навоий бутун борлиғимиз, маънавий байроғимиз, жону-жаҳонимиз. Истиқлолнинг биринчи йили Навоий йили деб аталганида теран маъно бор. Йирик вилоят, гўзал шаҳар, миллий кутубхона, миллий боғ, университет, институт, театр, метро бекати, лицей-коллежлар, шоҳ кўчалар... Бошқа юртлардаги ҳайкаллар, нашр этилган китоблар...

Республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиётида ҳар бир вилоятнинг, Қорақалпоғистоннинг катта ҳиссаси, салмоқли улуши бор, албатта. Бир вақтлар Ломоносовнинг Россия куч-қудрати келгусида Сибир ҳисобига ортажаги ҳақидаги фикри, башоратидан фойдаланиб айтиладиган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг куч-қудрати Навоий вилояти ҳисобига ҳам ортиб бормоқда, келгусида янада ортгусидир, дейилса муболаға бўлмас. У ерга бормай, кўрмай туриб ҳам ўқиганлари, эшитганлари орқали бу фикрга қўшилувчилар, тасдиқловчилар кўпдир, албатта. Лекин ҳудудига Европанинг бир қанча чоғроқ мамлакати сиғадиган вилоятга борган, кўрган, кезган одам Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига, ҳеч кимдан кам эмаслиги, кам бўлмаслигига қатъий имон келтиради. Бу маскан йилдан-йилга кучайиб, яшнаб, ярқираб бораётганига, Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг доимий нигоҳи, диққат-эътиборида эканига ишонч ҳосил қилади.

Мўъжаз ҳикоямиз катта вилоятнинг гавҳардай, дурдай товланиб турувчи бир бўлаги — Навоий кон-металлургия комбинати ҳақида. Шаҳарга ва комбинатга энг катта баҳони Президентимиз берган эди: "Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Навоий шаҳри ва Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама ҳурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ҳамда ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди. Алоҳида таъкидлаш керакки, барчамизни мамнун этадиган бундай ютуқ ва натижаларга, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, энг асосийси, кўп миллатли комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига садоқати ҳисобидан эришмоқда. Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг, Навоий шаҳри, вилоятнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларида яшаётган одамларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайли нимаики яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати билан танишувимиздаёқ бунинг тасдиғини кўрдик.

НКМК бош директори ўринбосари Илҳом Ражабов иш бошлаганига 55 йил тўлган комбинатнинг тарихи, бугуни, эртаси, мамлакатга олтин, уран етиштиришга қўшган, қўшаётган ҳиссаси ҳақида "Звезда Востока" журнали бош муҳаррири ўринбосари К.И.Панченко, ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти масъул котиби Б.Садриддинов ва каминага ҳикоя қилиб берди.

Завод деганда аввал кўрганларим, тасаввурларим шундай эди: гувиллаб ишлаётган станоклар, гулдираб у ёқ-бу ёққа ўтаётган машиналар, қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон, қора мойга беланган ишчиларнинг бақир-чақири, ҳар ерда айқаш-уйқаш ётган темир-терсак, ачиган мой ҳиди... НМЗ дарвозасидан киришим билан тасаввурим чиппакка чиқди, ўзимни санаторийга, санаторийлар мажмуасига киргандай ҳис қилдим: бир неча гектар жойни эгаллаган улкан, маҳобатли корхона, четига дов-дарахтлар, анвойи гуллар экилган узун, чиройли йўлакларидан ўтиб, ҳар бири чоғроқ заводга татигулик озода цехларни, бошларида каска, эгнида ё оқ халат, ё ярашиғлик коржома кийган, мураккаб станок, механизмларни электрон воситалар, рақамли дастурлар билан бошқараётган ишчилар, асосан ёшлар, мўътадил ҳарорат, бир маромда, сокин кетаётган жараён.

Ўқув маркази директори вазифасини ўтаётган билимдон уста Андрей Трофимов бирма-бир, батафсил тушунтириш бериб борди: — Завод кўп тармоқли комбинатимизни ва республикамизнинг бир қатор корхоналарини замонавий техника билан таъминлайди, технологик ускуналаримиз айрим хориж мамлакатларга ҳам валюта эвазига сотилади. Илгарилари кўп нарсалар катта маблағ сарфланиб четдан олинган. Бу ерда турли типдаги станоклар, насослар, конвейер секциялари, углеродли ва зангламайдиган пўлатдан ясалган жиҳозлар, титанли ва алюминийли қотишмалар, экскаватор чўмичлари, тишли ғилдираклари, металлконструкциялар, қурилиш панел ва блоклари, плуглар, шестерня, вал, барабан, классификатор ва ҳоказо ўнлаб катта-кичик жиҳозлар (барисини санаш кўп вақтни олади) тайёрланади. Мана бу кўриб турганингиз — станина, яъни станокнинг қовурғаси, бошқа цехларда унга эт битилади, керакли металл либослар кийдирилади, сайқалланади, қиздирилади, совутилади, бўялади — хуллас, бир қанча цехдан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилади. Станоклар, двигателлар, БелАЗ, КрАЗ автомобилларининг редуктор, компрессор, тормоз, цилиндр, узаткичлари, юқори босимли насосларни, яна неча хил ускуна, темирларни тўлиқ (капитал) таъмирдан чиқариш, цинкли, хромли, никелли, алюминийли, мисли қопламалар ҳосил қилиш ҳам ўзимизда бажарилади. Бир пайтлар бу ишларнинг кўпини бошқа жойларга бориб, мутахассисларга ялиниб, катта харажатлар эвазига бажартирар эдик. Энди бизлардан илтимос қилишади, буюртма беришади. "Хуллас, заводимизда истаган нарсани ясаса бўлади", деб қўйди фахрланиб Андрей Александрович.

Ўқув устахонаси ёнидаги музейда станок, насос, бошқа механизмларнинг кичрайтирилган макети, алоҳида деталлари ойнали яшикларга солиб қўйилган, ёш ишчилар, талабалар бу ерда амалиёт ўташар экан, цехлар деворларидаги катта баннерлар, рангли фотосуратлардан ҳам кўп, керакли маълумотлар олиш мумкин. 200-230 тонна юк кўтарадиган БелАЗларнинг икки-уч одам бўйи келадиган баҳайбат ғилдираклари, йирик тошлар, қаттиқ жинсларни майдалаб берадиган, дробилка деб аталувчи ваҳимали, улкан металл тегирмонлар, компьютерли-дастурли бошқарув пультлари — бари-бариси лол қолдиради. Энг ҳайратланарлиси, бу ерда, бошқа заводлар, конлар, карьерларда баҳайбат техника, улкан машиналарни кичик жуссали, билимли, маҳоратли одамлар, асосан, ёшлар бошқаради.

Навоий кон-металлургия комбинатида ҳамма нарсани техника ва кадрлар, уларнинг ҳамкору ҳамдастлиги ҳал қилади. Профессионал, билағон кадрлар ҳал қилади, дея алоҳида таъкидлашни истардим. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Бу ерда тасодифий одамнинг ишлаши, айниқса, раҳбарлик қилишини тасаввур этиш қийин. Шимолий, Жанубий кон бошқармалари бошлиқлари, Ю.Золотарев, А.Эъзозхонов, Э.Холиқулов, И.Мушарятов, С.Ослоповский, "Мурунтов" кони директори Ф.Кравченко заводларнинг директорлари Э.Лаккай, В.Штейер, М.Ахадов, Р.Сиддиқов ва бошқалар, уларнинг ўринбосарлари, цех, участка бошлиқлари, мастерлар — ишлаб чиқаришни миридан-сиригача биладиган, тажрибаси катта одамлар. Комбинат бош директори Қувондиқ Санақулов — Маржонбулоқ, Олмалиқ, Галлаоролда, Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимларда ишлаб, бой тажриба орттирган мутахассис, фан доктори, сенатор, тўрт вилоят ҳудудида жойлашган объектларни айланиб, бир кунда машинада 300-400 километр йўл босиш, энг муҳим жараёнларда бош-қош бўлиб туриш, кадрлар танлаш, минг бир ташвишни зиммасига олган, бир зум тиним билмайдиган, бошқалардан ҳам шуни талаб қиладиган киши.

Заводларда бошда кўпчилик мутахассислардан қаерда ўқиганини сўраганимизда, тоғ-кон институтида ёхуд касб-ҳунар коллежида деган жавобни эшитдик. Кейин учрашган ишчига шу ўқув юртларида таҳсил олган бўлсангиз керак, деган саволимизга тасдиқ жавобини олдик, кейинчалик ишонч билан кон институтида ўқигандирсиз, деб айтадиган бўлдик.

Комбинатда ўзбек, рус, қозоқ, татар, тожик ва бошқа турли миллат вакиллари баҳамжиҳат меҳнат қилишади. Цех, участка бошлиқлари, ишчилар, дастурчилардан Улуғбек Суннатов, Дилшод Кенжаев, Вячеслав Коваленко, Зафар Қодиров, Анвар Шамсиев, Фахриддин Раҳмонов, Ислом Суяров ва бошқаларни иш жараёнида кузатдик. Деталларни электродда куйдириб, мингдан бир миллиметр даражада ишлов берилаётгани, темирлар 880 даражада қиздирилиб, тобланиб, сув ва мойларда совутилаётганини, ҳар хил рангларда бўялаётганини кўриб, кузатиб завқландик. Ўттиз метрлар баландликдаги цех шипида яна шунча узунликдаги кўприксимон кран бир маромда гуриллаб юриб, жиндай ваҳима солиб, узун темир арқони учидаги илгичи ёнимиздан секин ўта бошлади. Баҳайбат кранни тепада, мўъжаз хонада туриб Шаҳло Ёдгорова деган ёш қиз бошқараётган экан. "Бундай қизларимиз кўп, — деди ҳайратланиб қараб турганимизни кўрган ишчилардан бири. — Қаршингиздаги мана бу қиз, қайси таомга қандай масаллиқлар керак бўлишини билгандай, қандай ускуна, жиҳоз қандай темир, мурватлардан тайёрланишини шу заҳоти айтиб беради". Ўн беш йиллик тажрибага эга цех бошлиғи ўринбосари Назира Холиқова хижолатомуз кулиб қўйди. Етакчи мутахассис Вячеслов Коваленконинг отаси, онаси ҳам шу заводда ишлашаркан. Комбинатда ишчилар сулоласи анча экан.

Учқудуқда Ўзбекистон қаҳрамонлари Фарҳод Соҳибов, Анатолий Панинлар билан танишдик, мароқли суҳбатлар қурдик. Қаҳрамонлар ҳамсоя экан, тақдирлари, ҳаёт тарзларида ҳам ўхшашлик бор, иккаласи ҳам ёшликдан меҳнатда тобланган, қийинчилик, машаққатларни матонат билан енгган, ишига, касб-корига фидойиларча муносабатда бўладиган инсонлар, бири тулалик, бири жондорлик, туғилиб ўсган жойларини севишади, лекин бутун меҳр-муҳаббатини Учқудуққа беришган, шимолий конга меҳнати сингган, шу ерда ҳурмат-эътибор топган. Қайси бир йил катта сел келиб йўлни тўсганда, Панин ўн саккиз соат бетиним ишлагани, бошқа сафар сел поездлар қатновига хавф солганда Соҳибов узоқ муддат рельслар орасига шағал тўкиб турганини айтиб беришди. Олтмиш беш ёшли, қадди тик, очиқ чеҳрали, Учқудуқ ветеранлар кенгаши раиси Анатолий Николаевич бир пайтлар "Зарафшон" командасида ҳужумчи бўлган экан, футбол мавзусида мириқиб гаплашдик, "ҳамма ишларимиз яхши-ю, "Қизилқум"имиз турнир жадвалида "судралиб" бораётгани ёмонда", — дейди куйиниб. Экскаваторчилар бригадаси тўрт кишидан иборат экан: "оғир шароитда, сувлоқда ишлаймиз, эрталаб соат 6 да туриб, ўн бир яримда уйга қайтамиз, тушликни бошқалардек тушда эмас, эртароқ қилиб оламиз, бир соатча вақт кетади, ўрганганмиз, нолимаймиз, маош, мукофотлар ишимизга яраша, юқори ("қанча маош оласиз?" — деб сўраш одоб доирасига кирмайди, бу тарз бетакаллуф саволларга комбинат аҳли, "худога шукур, тирикчилик учун етиб ортади" деб жавоб беришаркан), 25 йил бўлди, ҳеч биримиз ташлаб кетмадик".

Ўткир тешаси билан тоғни кесиб, сув чиқариш эвазига, арман элини обод қилган афсонавий Фарҳод ҳақида Навоий бобомизнинг достонида ўқиган эдик. Ўткир техникаси билан чўл бағридан олтин чиқарган замонавий Фарҳодни Учқудуқда кўрдик. Шимолий кон бошқармаси бошлиғининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, сўзда ҳам ишдагидек моҳир Фарҳод Сойибов мустақиллик меваси ГМЗ-3 тарихи, истиқболи ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди.

"Президентимиз икки қўлида икки олтин қуймани кўтариб турган суратни ҳамма билади. Бу олтинлар у кишининг кўз ўнггида, 1995 йил 14 июнда завод тандиридан янги узиб олинганига гувоҳ бўлганмиз, бениҳоя фахрланганмиз. Кейин бундай "сариқ ғиштлар"дан яна қанчаси қуйилди, қуйиляпти, Ватанимиз хазинасини бойитаяпти. Чўл бағрида кўрк бўлиб турган ушбу муҳташам маъмурий биномизга, ёнидаги кўркам иморатларга, гўзал жиҳозлар, пештоқдаги қимматбаҳо металл чиқариш жараёни тасвирланган панноларга, теварак-атрофдаги уйлар, қурилишларга ҳайрат билан боқаётганимизни кўриб, иш, яшаш жойимиз баланд мақомимизга яраша бўлиши керак-да, — деди-да, бизни янги иншоотлар, янги боғни кўрсатишга бошлаб кетди. Рисоладагидек, стандартларга мос, кўркам спорт иншоотлари — кураш, бокс, гимнастика заллари, бассейнлар... Барча керакли жиҳоз, анжомлар муҳайё. Болакайлар, ўсмирлар тренер Алишер Шодмонов, республика чемпиони Дилноза Камолова раҳбарлигида терга ботиб кураш тушишяпти. Асадбек деган бола уч йил ичида мусобақаларда 16 медал, Шохруҳ 15 медал олибди, мақсадлари катта. Спорт гимнастикаси зали қизалоқлар, ринг боксчилар, ҳавзалар сузувчилар билан банд. Янги бунёд этилган бир неча гектарли боғ бизни ҳайратга солди: Фарҳод Яхшиевичнинг айтишича, боғга қирқ минг тонна тупроқ тўкилган, бир неча минг тонна асфальт ётқизилган, қимматбаҳо қрим соснасининг ўзидан икки юз тупдан ортиқ экилган, қуёш урмаслиги учун ҳар бирига оқ "бўз яктак" кийгазиб қўйилган, ўрталиқда фонтан, атрофида ўриндиқларда ота-оналар, ёш-яланглар дам олиб ўтирибди. Тепада уч қудуқнинг турли баландликда оқиш ҳайкали, ҳар бирининг пойидаги мармар тахтага Менделеев жадвали элементлари нақш этилгани айни муддао, пурмаъно бўлибди. Ҳайкаллар пойидан пастга қараб юз метрлар чамаси зинали мармар ариқ кетади, шарқираб сув оққандаги бетакрор, гўзал манзарани тасаввур этиб кўринг.

Фарҳод Сойибовнинг айтишича, комбинат Учқудуқ шаҳрига ҳар йили 37 миллиард сўм маблағ ажратар экан. "Бу маблағ ҳали яна кўпайса керак, — деди суҳбатдошимиз, — негаки йилдан-йилга маҳсулотимиз ҳажми ортиб, режалар ортиғи билан бажариляпти. Спорт иншоотлари, янги боғ, асосан ҳашар, шахсий жамғарма ҳисобидан қурилди.

Тоғ-кон комбинати ранг-баранг техника, замонавий технология салтанати. Мурунтов кони нигоҳ майдончасидан 500 метр пастлик, 35 қияликдаги карьерни томоша қилдик. 180-220 тонна юк кўтарадиган БелАЗ, КрАЗ машиналари тепадан гугурт қутисидай, одамлар чумолидай кўринади, руда ортган машиналар юкини тегирмонмонанд жойга тўкиб, насослар сув пуркаб кўтарилган чанг-тўзонни бостириб турибди, нам руда ленталар орқали юқорига узатилади, у ердан вагонларга ортилиб заводга жўнатилади. Нигоҳ майдончаси ёнидаги бинода уч оператор — бир йигит, икки аёл — монитор орқали қайси нуқтада қандай муаммо юз берди, қайси машина нима сабабдан тўхтаб қолди, қайсисининг ёнилғиси тугади — бари-барини кўриб, бошқариб турибди.

Авлиёлар авлиёси Навоий бобомиз беш юз ўттиз йил муқаддам ишқ, бунёдкорлик достонида сирли хазиналар, ададсиз жавҳарлар, Сулаймон узуги, Жамшид жоми ҳақида ёзганларини эслайлик. Фарҳод Искандарнинг тилсимли қалъасида ойнаи жаҳонни кўради: "Бори махфий умур изҳори анда, жаҳон ҳолати равшани бори анда". Фарҳод Суқрот ҳаким васиятига амал қилиб, Чинга қайтади, кўзгуда Ширириннинг жамолини кўриб, севги оташида ёнади. Нене машаққатлар чекиб арман юртига келади, Қорандан ўрганган ҳунарини ишга солиб, кескир теша ясайди ва тоғ қазишга шундай киришиб кетадики, томошабин ҳалойиқ ҳайрон-лол қолади:

Чу метин зарбидан айлаб ситеза,
Қатиқ хорони айлаб реза-реза
Анингдек тешадин секриб ушоқ тош,
Ки нозир бир йиғочдин қочуриб бош

Бугунги реал Фарҳодлар ихтиёридаги метин тошларни қўпорувчи, майдаловчи қудратли техника афсонавий Фарҳоднинг ўткир тешасидан кўп бор ўткирроқ, кескирроқ — тараққиёт шиддати, илм-фан суръати, воситалар сифати шундай. Учқудуқда бу ажиб жараённи, мукаммал техникани, қодир кадрларни кўриб беихтиёр қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов таъсирланиб, фахрланиб айтиб юрадиган бир воқеа ёдимга тушди: ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида собиқ иттифоқ халқ депутатлари съездининг навбатдаги мажлисига Ислом Каримов бошчилигида бир гуруҳ ноибларимиз боришаётган экан. Зинада қаршиларидан ўша пайтдаги Министрлар совети раиси чиқиб қолади-да, Юртбошимизга юзланиб, Қизилқумдаги олтин конларини республикамиз тасарруфига ўтказиш ҳақидаги хатини олгани, лекин буни қилолмаслигини, негаки, барча техника ўзларининг эканини айтади. "Унда белкурак, кетмонлар билан қазиб оламиз", — дейди Ислом Каримов. Раис "Белкурак, кетмонларни ҳам олиб қўйсамчи" — деганда юзига тик қараб: "унда қўлларимиз, тирноқларимиз билан қазиб оламиз", — дея мардона жавоб қайтарган экан. Бугунги кунда кон-металлургия комбинати бошқа корхоналар корига яраётган мукаммал техник воситалар, мураккаб механизмларнинг асосий қисми комбинатнинг ўзида ишлаб чиқилаётир, ўзида таъмирдан чиқарилаётир — бу мустақиллик неъмати, шарофати.

Комбинат ишлаб чиқариш жараёнида асосий омил — темир ва кадр, кадр ва темир. Темир билан ишлайдиган корхона темир интизомни талаб қилади. Буни Навоий металлургия заводида, бошқа бошқармалар, корхоналарда кўрдик, ишонч ҳосил қилдик. Қайси сменада бўлмасин, гуррос-гуррос бўлиб бир вақтда ишга келинади, бир вақтда ишдан қайтилади. Прогул у ёқда турсин, бир дақиқа кечикиб келиш, бир дақиқа эрта қайтиш фавқулодда ҳол ҳисобланади. Интизом, масъулият, сифат, малака, маҳорат — бариси бирдан йигирма бешгача бўлган разрядни белгилашда ҳисобга олинади, разряд қанча баланд бўлса, маош ҳам шунга яраша. "Шуҳрат хиёбони"да энг яхши токар, слесар, пайвандчи, монтажчи, кранчи, дастурчи, ҳайдовчи ва бошқа касб соҳиблари, турли конкурс ғолиблари исмишарифи муттасил нақш этиб борилади, ғолиблар мукофотланади, разряди оширилади, номлари "Горняк" газетасида чиқади.

Комбинатнинг ҳар бир ишчиси, ходими вазифасига катта масъулият билан ёндашади. Бизга доимий ҳамроҳ бўлган, комбинатнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича мутасаддиси Саодат Саломова қаерга бормайлик, ҳаммани танир, муаммони тезда ҳал қилар, уларни-да ҳамма танир экан, бу ҳам — профессионализм.

Оллоҳга минг шукур, заминимизда Менделеев жадвалидаги элементларнинг ҳаммаси мавжуд. Олтини, урани бор, заҳираси бой. Бундай нодир, қимматбаҳо, куч-қудрат манбаи бўлмиш металлар билан ҳамма мамлакатлар ҳам фахрлана олмайди. Шу боис комбинат Президентимиз, ҳукуматимиз, вилоят, шаҳар раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида, ғамхўрлигида.

Бағри кенг, иқболли, истиқболли Навоий вилояти улкан бирлашмаларидан бири — кон-металлургия комбинати, корхонанинг қимматбаҳо, нодир металлар ишлаб чиқаришга бевосита ва билвосита дахлдор саноати, бу саноатнинг қобил, қодир кадрлари ҳақида бир оз тўхталиб ўтдик. Комбинатнинг саноатлашган қишлоқ хўжалиги, маданияти ва маънавияти алоҳида ҳикоя мавзулари.





Сайди УМИРОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
«Олтин қалам» совриндори.

Сиёсий партиялар нашрлари — демократик ислоҳотлар кўзгуси

(Бошланиши 1-бетда.)

Сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар, пировардида, ҳар бир сиёсий партия ўз электоратининг манфаатларига мос равишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги дастурларни ишлаб чиқиб, уни парламентдаги фракциялари орқали қонунчиликка сингдиришга интилади. Бу унинг халқ ишончини қозониб, давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратади. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, ўз дастурий ғоялари билан халққа манзур бўлган сиёсий партиянинг илгари сурган мақсадлари давлат сиёсатини амалга оширишда устуворлик қилади. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда партияларо баҳс вужудга келади, бу эса давлат ва жамият ривожи учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётган бир пайтда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар фуқароларнинг партияларга муносабатини ўзгартириш, яъни унга ишончини оширишга туртки бўлади.

Сиёсий партияларнинг халқ ишончини қозонишида, ғоялари ва қарашларини аҳолига етказишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлантиришда, уларнинг бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига муносабатда бўлиб, мустақил фикрлаши ва мамлакатимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Зеро, Ўзбекистон Республикаси "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасида белгиланганидек, сиёсий партиялар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш, уларни эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро нормаларга тўлиқ мос келадиган, демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида иштирок этишининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, шунингдек, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга экани алоҳида белгилаб қўйилган. 67-моддасида эса оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ ишлаши ҳамда ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгарлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Ушбу конституциявий принциплар асосида бир қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада ушбу соҳанинг ривожланиши учун зарур бўлган демократик стандартларга мос ҳуқуқий механизм яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишида сиёсий партияларнинг нашрлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий партиявий нашрлар партиявий ғояларни сайловчиларга етказишнинг энг қулай воситаси бўлиб, партия ичидаги ҳамда партиялар ўртасидаги мулоқотни ташкил этувчи асосий восита ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, партиявий нашрларнинг доимий диққат эътиборида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда ривожланиб бораётган жараёнлар, жамиятдаги энг долзарб воқеликлар туриши табиий. Шулар асосида партиявий нашрларда жамиятдаги ўзгаришларга мувофиқ равишда аввалари илгари сурилмаган янги ва муҳим масалалар, ўткир мавзулар ёритилади.

Шу ўринда хорижий мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши борасидаги тажрибасига эътибор қаратсак. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим хорижий мамлакатларнинг марказий газеталари ғоявий жиҳатдан маълум сиёсий йўналишни қўллаб-қувватлайди. Хусусан: **АҚШ**нинг "The Philadelphia Inquirer", "The Denver Post" — демократлар ғояларини илгари сурса, "Chicago Tribune" республикачиларнинг дастурий йўналишлари асосида маълумотларни ёритади; **Буюк Британия**нинг "The Guardian" — либерал ғояларни, "Financial Times" — монетаризм, неолиберализм ғояларини, "The Sunday Times" ҳамда "The Daily Telegraph" газеталари консерватив қарашларни ўзида акс эттиради; **Жанубий Корея**нинг "Чосон ильбо" газетаси консерватив ларнинг, "Хангёре синмун" нашри социалларнинг ғояларига асосланганини кузатиш мумкин; **Франция**нинг "Монд" — либерал, "Франс Суар" — консерватив, "Либерасьон" — социал-либерал қарашларни ўзида акс эттиради; **Япония**нинг "Асахи симбун" — либерал, "Санкэй симбун" — консерватив ларнинг дастурий йўналишлари асосида маълумотларни ёритади. Сиёсий партиялар фаолиятининг алоҳида нашрлар орқали ёритилиш амалиёти Германия, Норвегия, Финландия, Дания каби қўплаб мамлакатларда мавжуд.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партия ўз газетасига эга бўлиб, партиявий дастур ва вазифалар асосида нашр ишларини амалга оширадилар. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси «O'zbekiston ovozi» ва «Голос Узбекистана» газеталарини, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — «XXI asr», Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси — «Adolat», Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси — «Milliy tiklanish» газеталарини нашр этади.

Шу ўринда мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партиянинг мустақил нашрга эга эканининг ижобий жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Энг аввало, сиёсий партияларнинг аҳолининг барча қатламларига кенгроқ кириб бориши, партиявий тарғибот ишларининг ижобий амалга оширилишига имкон беради. Энг муҳими, мамлакатда кўппартиявий тизимининг ривожланиши юзага келадиган партиялараро рақобатнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, жамоатчилик назоратининг таъсирчан ҳамда самарали бўлишига эришилади.

Умумлаштириб айтганда, миллий партия нашрлари мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган долзарб янгиликларни бериб бориш билан бир қаторда партиянинг дастурий йўналишлари асосида амалга оширилаётган фаолият, шу жумладан, сиёсий партиянинг парламентдаги фракцияси томонидан муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ва уларга муносабат, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, сиёсий партиянинг жойлардаги бўлинмалари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига тааллуқли масалаларни ёритишга асосий эътибор қаратадилар.

Бугунги глобаллашув жараёнида дунёда электрон газета ва журналларга талаб йилдан-йилга ошиб бораяпти. Мамлакатимиздаги партиявий газеталарнинг ҳар бири ўз электрон шаклига эгалиги уларнинг жаҳон талаблари асосида ривожланиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, «O'zbekiston ovozi» ва «Голос Узбекистана» газеталарини www.uzbekistonovozi.uz сайти, «XXI asr» газетасини www.21asr.uz, «Adolat» — www.adolat.uz, «Milliy tiklanish» — www.milliytiklanish.uz сайтлари мунтазам фаолият юритаётир. Албатта, бу одатий нашрларнинг нуфузи ва ададига ўзига хос салбий таъсир ўтказади. Ахборотлар тақдим этишнинг шиддат билан ривожланиб бораётган услублари сиёсий партиялардан ҳам босма, ҳам электрон нашрларни такомиллаштириш ва ривожлантириб боришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар нашрларининг фаолияти кўп жиҳатдан ён-атрофда бўлаётган ҳодисаларга, ижтимоий ҳаётга боғлиқ бўлиб, унда илгари кўтарилмаган янги ва ўткир мавзуларнинг таҳлил қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда юз бераётган ҳодисалар бўйича ўзига хос муносабати бўлиши табиий. Бизнингча, айнан шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий партия нашри доимий равишда қонун лойиҳалари бўйича партиянинг асослантирилган муносабати, ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасида вазиятлар ривожини, унинг оқибатини далиллар асосида акс эттирган партия прогнози, фуқаролар фикрини ўрганиш натижаларини акс эттириб бориши лозим. Шунингдек, сиёсий партиялар нашрлари тарғиботнинг асосий воситаларидан бири эканини инобатга олиб, партиялараро сиёсий курашнинг предметли ва конструктив бўлишига, энг муҳими, юксак маданият ва соғлом рақобат асосида амалга оширилишига эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бу билан сиёсий партияларнинг нашрлардаги чиқишлари орқали жамоатчилик назоратининг амалга оширилишига, партиялараро сиёсий рақобатнинг фаол ва самарали кечишига эришилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида *"... электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур"*лиги алоҳида таъкидланган.

Бир сўз билан айтганда, партиявий матбуотни янада такомиллаштириш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини юксалтириш, жамиятда турли сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрларнинг ривожланишига хизмат қилади. Зеро, сиёсий партиялар нашрлари — демократик ислоҳотлар кўзгусидир.

Мухтабар ҲУСАНОВА
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Талаба қизимга мактублар

2. Зиёли инсон қандай шаклланади?

Ассалому алайкум, дилбандим! Сен камол топганинг сари айтадиган гапларим кўпайиб бормоқда. Мақсадим — ҳаётнинг паст-баландини тезроқ англа, давр билан ҳамнафас бўл, эплай олсанг илгарироқда юр. Танлаган касбинг шуни тақозо қилади. Хуллас, қўлимга яна қалам олдим.

Имоним комилки, йиққан маълумот-у, ахборотларинг, янги технологияларни ўзлаштиришинг сенинг ёшингда мен тўплаган билимларга нисбатан бир неча баробар кўпроқ бўлади. Бунинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам техник сабаблари бор, албатта. Аввало, Истиқлолга эришганимиз, дунёнинг бизга, бизнинг дунёга очилганимиз, иқтисодий жиҳатдан ривожланаётганимиз, техника тараққиёти, сиз — ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ана шу сабаблар асосидир.

Навбатдаги мактубим дебочасида бир пайтлар сенга халқимиз мақоли билан айтган «Олим эмас, одам бўл», деган насиҳатимни ўзгартирмоқчиман: «Ҳам асл одам, ҳам ҳақиқий олим бўл». Бу мартабага эришишнинг эса осон йўли ҳали ўйлаб топилмаган. У тинимсиз ўқиб-ўрганиш, шижоат-у, матонат, машаққатли меҳнат натижасида қўлга киритилади.

Бунинг учун назарий билимлар, айниқса, асқотади. Баъзи талабаларга ўтиладиган мавзулар танишдек туюлади-да, «буни биз аввал лицей ёки коллежда ўтганмиз», дея тезкор хулоса ясашга ҳаракат қилади. Сен эса шошмагин! Агар воқеа-ҳодисалар ўзгармаган бўлса-да, билгилки, ўшанда билим ва фикрларни ўзгача даража ва талаб билан ўзлаштиргансан. Мабодо сен ўқувчилигингда ўқиган, билган фикрни домла такрорлаётган бўлса, уни танлаган касбинг тақозоси билан яна бир бор таҳлил қилишинг мутлақо бошқача, аниқроғи, янада теран хулосалар чиқаришингга олиб келади.

Олий таълим тизимида фанлар тўрт қисмга бўлинишини билиб қўйганинг яхши. Биринчиси, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўлиб, улар барча олий таълим муассасалари талабалари билиши керак бўлган билимлар мажмуасидир. Чунки талабаларнинг оламни англашлари учун фикрлаш кўламини кенгайтириш керак. Бу фанларни ўзлаштириш шунинг учун ҳам муҳим. Иккинчиси, математик ва табиий-илмий фанлар ҳисобланади, муҳимлик даражаси эса биринчисиникидан қолишмайди. Уларни олий маълумотли, бошқача айтганда, зиёли бўлиш истагида юрган ҳар бир инсон дилига жо қилиши шарт. Қолаверса, сен танлаган касб эгаси — журналист ўз она тили, адабиёти, юртининг тарихи, бугунги сиёсати, дунё давлатлари билан алоқаси, жаҳонда юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаши, бошқа давлатлар билан муносабатларда миллий манфаатларни унутмаслиги ва яна юрт зиёлиси билиши зарур ҳисобланган қўплаб билимлардан хабардорлиги унинг келажакдаги фаолияти учун мустаҳкам асос бўлади.

Юқори босқичда «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» фани ўтилади. Унда, жумладан, миллий журналистикамиз тарихини даврлаштириб ўрганишга оид мавзу бор. Журналистика бевосита юрт тарихи билан боғлиқ бўлгани боис талабаларга мустамлака давридаги Ўзбекистонда турли баҳоналар билан амалга оширилган қатағонлар ҳақида савол берилади. Сиртдан қараганда савол қийин эмас. Барчаси университетгача бўлган таълим муассаларида ўтилган. Хусусан, мустамлака даври 1865 йилдан бошланса, 1898 йилда Дукчи эшон қўзғолони, 1918 йилдаги Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши, 1937-1938 йиллар, 1956 йил қатағонлари, 1986 йилдаги «Пахта иши» баҳонасидаги қама-қамалар сўралганда аксарият талабалар саволга аниқ жавоб бера олмадилар. Ваҳоланки, мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикасини ўрганиш ҳамда мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикасининг қадрига етиш учун тарихни чуқур билиш муҳимдир. Шу боис, тарих яна ўқитиляптими, дея савол бериш ўрнига уни журналистика соҳаси билан ҳамоҳанг тарзда янада чуқурроқ ўрганиш учун нималарга эътибор беришим даркор, дея ўзингни сўроққа тутишинг ўринли бўлади.

Сен шу халқнинг ютуғи, дарди, орзуси ҳақида ёзадиган журналист бўлмоқчисан. Бунинг учун журналист сиёсатчи, мафкурачи, иқтисодчи, дипломат ва ҳоказо сифатларга эга бўлиши зарурким, юқоридаги фанларни онгли тарзда ўзлаштириш эвазигагина ҳақиқий ижодкор даражасига эришишинг мумкин.

Энди мисол тариқасида халқаро сўзлашув тилини олайлик. Инглиз тили олий ўқув юртида чуқур ўтилади. Уни танлаган соҳанг билан ҳамоҳанг тарзда ўзлаштирсанг, дунёда юз бераётган янгиликларнинг ўзимизга хос жиҳатларини ҳаётга татбиқ қилишга ҳиссангни қўша оласан, юртимизнинг ҳам бошқалардан ортда қолмаслигига ва бундай янгиланишларни ўша тилда дунёга таратиш имконига эга бўласан.

Учинчи ва тўртинчиси, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўлиб, улар бевосита бўлғуси фаолиятинг учун назарий негиз ҳисобланади. Биринчи навбатда жаҳон журналистикаси тарихи, унда юртимиз журналистикасининг ўрни, истиқлолга эришганимиздан кейинги ривожланиши, бугунги ютуқ ва камчиликлари, галдаги босқич вазифаларини билиб, белгилаб оласан.

Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари ва этикаси фанидан ҳуқуқ ҳамда бурчларингни ўзлаштирасан. Шу жараёнда дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида бу мажбуриятларнинг онгли тарзда бажарилмаётганини англаб етасан. Ахборот тарқатишдаги бир ёқламаликларнинг гувоҳи бўласан. Бунда сенга Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий асослари фани ёрдамга келади. Уни яхши ўзлаштирсанг, журналистнинг фуқаролик позицияси деган тушунчани англаб етасан ва уни ўзингда тарбиялашга эҳтиёж сезасан. Вақти келиб, юқоридаги каби нохолис маълумотлар тарқатилаётганда ёки юртимиздаги осойишталикка раҳна солиш, оммани тўғри йўлдан тойдириш мақсадида амалга ошириладиган ахборот хуружларига қарши курашиш иммунитетини ўзингда шакллантирасан.

Яна юқорида таъкидлаганим, ҳамма гапни эшитгандек бўласан ушбу дарсда ҳам. Бироқ эътибор берсанг, ўша воқеа-ҳодисалар замиридаги мақсад қандай қилиб амалга оширилганини билиб оласан. Масалан, 2005 йилда, юртимиз ҳудудларидан бирида содир бўлган воқеа ҳақида гап очилганда халқаро террорчилар томонидан амалга оширилган хунрезликларни афсус билан эслайсан. Лекин энди ушбу воқеаларда ёлланган халқаро террорчилар билан бирга баъзи чет эл оммавий ахборот воситалари ҳам ҳамкорликда ишлаганини ва «ёмон журналистика» деб аталадиган бу сценарийдан дунёга ҳукмронлик даъвосидаги баъзи мамлакатларда юз йилдан буён фойдаланиб келинаётганини мутахассис сифатида биринчи маротаба таҳлил қиласан, тегишли хулоса чиқарасан. Энг асосийси, уларга қарши курашишга тайёрланасан.

Журналистика психологияси фани орқали жамиятдаги ижтимоий-психологик муаммоларни бартараф этишда ижодкорнинг шахс сифатидаги ўрни, руҳияти, ички дунёсининг касбий фаолияти жараёнида ўзгариши ва ривожланиш қонуниятлари, унинг жамиятни ахборот билан таъминлашга кўрсатадиган таъсири, аудитория билан журналист шахси ўртасидаги психологик муносабатлар, уларнинг соҳа самарадорлигини таъминлашдаги аҳамияти борасида маълумотга эга бўласан.

Бугунги кунда журналистиканинг матбуот, радио, телевидение ва уларни ўзида бирлаштира оладиган, имкониятларини ҳаммадан кўра сенинг тенгқурларинг яхши англаётган интернет турлари мавжуд. Ўқишнинг биринчи йиллари матбуот журналистикаси, кейинчалик аудиовизуал журналистиканинг ўзига хосликларини тегишли курслар орқали ўрганиб олишинг мумкин.

Умуман, фанларни қандай ўқиш керак деган саволларга жавоб олишни истасанг, устозларимиз Ғайбуллоҳ ас-Салом ва Сайди Умрнинг «Толибнома (Сени ўйлайман, болам)» китобини, албатта, ўқиб ўқигин. Нега мутолаа қилишинг зарурлигини ўша китоб дебочасидан бир кўчирма билан асосламоқчиман.

«Рост. Етук мутахассис: муҳандис, шифокор, фазогир (космонавт), авиасоз-конструктор, дидли муҳаррир-у, мусаввир бўлиш қанчалик душвор бўлса, шунга мос ҳазрати одам бўлиш ҳаддан ташқари оғир. Инсонлар борки, олим эмас. Бўлмаса-бўлмас. Олимлар борки, инсон эмас... Буниси оғир. Билағон мутахассис, комил зоти шариф бўлиш учун нима қилиш керак? Қўлингиздаги мана бу китобни ўқинг, муҳтарам биродар. У ана шу хусусда баҳс очади. Икки муаллиф Сизни ўйлаб, Сизни деб, Сиз учун ёзишди. Ўттиз йил ва ўттиз кун ичида» (Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман, болам). Т.: Шарқ, 1997. – 5-бет).

Мактубимнинг хулосаси шул, ҳар бир фан, ҳар бир дарс муҳим. Лекин улар орасида бевосита ёзиш билан боғлиқ машғулотлар борки, журналистик амалиёт масаласига диққат билан фаол иштирок этмаслик сенинг ора йўлда қолиб кетишингга, таҳририятларда шунчаки кун ўтказиш илинжида юрган қаламкашлардан бирига айланиб қолишингга сабаб бўлади. Бу эса алоҳида мавзудирким, янаги мактубда батафсил гаплашамиз.



Ҳалим САЙИД

Дараклар

КОМБОДЖАДА СУВ ТОШҚИНИ

Дунёда бўлаётган тошқинлардан Комбоджа аҳолиси ҳам четда қолмади. Бу ерда содир бўлган сув тошқини натижасида 83 нафар киши қурбон бўлди, 800 мингга яқин инсон турли кўринишдаги талафотларни бошдан кечирди.

Табиий офатдан асосан мамлакатнинг шимолий ҳудудидаги провинциялар зарар кўрди. 23 та провинциядан 15 таси сув остида қолди. Биргина Сиемпеанда 6 мингдан зиёд оила бошпанасиз қолди. Тошқин натижасида таълим муассасалари ва қадимий ёдгорликларга ҳам шикаст етди. Қутқарув хизмати эртаю кеч бедарак йўқолганларни қидириш билан машғул. Турли халқаро хайрия ташкилотлар табиий офатдан жабрланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда.

"Синьхуа" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Комбоджада бундан икки йил олдин содир бўлган сув тошқини натижасида 250 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

32 КИШИНИ ЯШИН УРДИ

Ҳиндистонда 5-6 октябрь кунлари яшин уриши натижасида 32 киши ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳақда "France-Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатган.



Бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлганларнинг 24 нафари Бихар штати, 8 нафари эса унга туташ Жаркханд штати фуқаролари эди. "The Economic Times" нашрининг ёзишича, марҳумларнинг 9 нафари ёш болалардир. Яшин урган пайтда улар кўчада ўйнаётган бўлган.

Сўнгги кунларда мамлакатда кучли шамол ва момақалдироқ сабаб кўплаб қишлоқлардаги уйлар вайронага айланган, электр тармоғи ишдан чиққан. Ҳиндистонда ҳар йили июнь ойидан то октябрга қадар давом этадиган ёмғирли мусон мавсуми кўплаб ҳудудларга шикаст етказади. Аммо илгари яшиндан ҳалок бўлганлар сони бунчалик кўп эмасди.

ДАҲО БОЛАЛАРНИ НЕЧА ЁШДА ТУҒИШ МУМКИН?

Британиялик олимлар 11 йил давомида 176 та оила фарзандларининг ақлий имкониятларини кузатишди ва ҳомиладор аёлларнинг ёши туғилажак болаларнинг ақлий салоҳиятига таъсир этади, деган тўхтамга келишди.



Аниқланишича, ёши каттароқ оналарнинг болалари ақллироқ бўларкан. 16-22 ёшдаги оналардан туғилганларнинг ўсмир ёшидаги ақлий кўрсаткичи пастлиги кузатилган. Олимларнинг таъкидлашларича, катта ҳаёт остонасида турган ёш оналарнинг 40 фоизи ҳомиладорлик даврида руҳан сиқилишади. Айнан шу ҳолат туғилажак боланинг келгуси ривожига салбий таъсир этади.

Мутахассислар камчиликлардан холи даҳо боланинг дунёга келиши учун оналарга имкон қадар кечроқ фарзанд кўришни тавсия этмоқдалар. Уларнинг фикрича, 27 ёш ҳомиладорлик учун энг мақбул давр ҳисобланади.

Шарҳ

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИ БИЛАН УЛУҒДИР

Бугун интернет бор имконияти билан инсониятни ўзига боғлаб олди. Тафаккурини ўзгартирди, турмуш тарзига кирди, қайсидир маънода иш самарасини оширди, оғирини енгил қилди. Бир сўз билан айтганда, эндиликда усиз ҳаёт кемтикдай. Бироқ илмий тафаккурнинг буюк ихтироси сабаб ҳаётимизга, онгу-шууримизга сингаётган янгиликлар орасида миллий менталитетимизга, шарқона тарбиямиз, одоб-ахлоқимизга мутлақо мос келмайдиган унсурлар ҳам кириб келмоқдаки, уларга нисбатан бефарқлик инсониятни йўқлик сари етаклаб кетади.

АҚШлик мутахассисларнинг таъкидлашларича, жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сарф этаётган умумий вақтнинг ҳар олтинчи дақиқаси айнан ижтимоий тармоқларга тўғри келмоқда. Улардан фойдаланувчилар сони эса бугунги кунда 1 миллиард 200 миллион кишидан ортиб кетди. Бу ер шаридаги инсонларнинг деярли ҳар олтинчиси "виртуал ижтимоий ҳаёт"га эга, деганидир.

Минг афсуски, бугун интернетдан ижобий ютуқлар билан бирга мафкуравий қурашлар, террорчилик, ақидапарастлик, жиноятчилик, одамларни тўғри йўлдан уриш мақсадида ҳам фойдаланилмоқда. Кўз ўнгимизда ўзининг кўринмас иплари билан бутун юрт ва минтақаларни, ҳатто сайёрамизни ҳам ўз измига солиш истагида яна бир уруш кечмоқдаки, бу мафкуралар ва маънавий таҳдидлар жангидир. Бу урушда рақибни кўриш ҳам, ушлаш ҳам мумкин эмас. Аммо у бор.

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган "Глобаллашув, иқтисодий ўсиш ва камбағаллик" номли маърузада қайд этилишича, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бошланган глобаллашувнинг учинчи тўлқини уч миллиарддан кўпроқ кишининг турмуш тарзига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлаган. Натижада интеграция жараёни кескин кучайди. Бу гарчи иқтисодий жиҳатдан ўз самарасини берсада, аслида глобаллашув шиори остида давлатларни бирхиллаштиришга — бир хил қоидаларга асосланган ҳаёт, бир хил қадрият, бир хил одат ва ахлоқий ақидаларга бўйсундиришга, қудратли коммуникация воситалари орқали ёшлар онгига истаганча таъсир кўрсатишга кенг майдон ҳам яратиб берди. Бугун дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнининг, хусусан, зўр бериб тарғиб этилаётган "оммавий маданият" ниқоби остидаги иллатларнинг кўплаб халқлар учун салбий таъсирини ҳаётда, кундалик хабарлар орқали гувоҳи бўлиб турибмиз.

Кўпинча матбуотда ва бадиий адабиётларда Ғарб мамлакатлари қудратли, мафтункор деган ибораларга дуч келамиз. Аммо бу мамлакатлардаги маънавий-аҳлоқий ҳаёт билан танишган киши ўша куч-қудрат, бойликдан ташқари, инсон ақли бовар қилмайдиган иллатлар, маънавий-аҳлоқий айнишлар, изоҳи мураккаб жиноятлар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлади. Кейинги кунларда биргина АҚШда содир бўлган воқеа фикримизга далил бўлиши мумкин.

Бундан уч ҳафта бурун АҚШ пойтахти Вашингтонда 13 кишининг ўлимига сабаб бўлган қонли ҳодиса рўй берди. Ҳодиса бошланғич мактаб ёки кинотеатрда эмас, балки ҳарбий-денгиз кучлари қўмондонлиги марказида содир бўлди. Жиноятни содир этган кимса ҳарбий соҳада ишлайдиган киши бўлиб чиқди. Бир ҳафта илгари эса Капитолий биноси олдида яна бир жиноят содир этилди.

2012 йилнинг ўзида мамлакатнинг бир қатор штатларидаги мактабларда ўқотар қуроллардан фойдаланган ҳолда қатор қотилликлар содир этилгани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Бу каби фожиалар нафақат Американи, балки бутун дунёни ларзага келтирди. АҚШ Президенти Барак Обама бундай мудҳиш жиноятларнинг олдини олиш учун самарали чоралар кўришимиз керак, деб таъкидлади.

Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили 30 мингдан зиёд бегуноҳ киши аҳоли қўлидаги қуролдан ҳалок бўлмоқда. Шундай бўлса-да, қурол сотишни чекловчи ҳеч қандай қонун қабул қилинганича йўқ.

Бугун телеканалларда, кинотеатрларда отишма, портлатиш, ўлдириш, ёқиб юбориш, сўйиш каби жиноий хатти-ҳаракатларни кўриб кўзи қотаётган Европа ва Россиядаги болалар тақдири ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Матбуот ва ОАВда миграция, муҳожирлар масаласи салбий жиҳатдан ёритилаётгани учун ҳам ёшлар, ўсмирлар миллатчилик ва нафрат руҳида тарбия топаётгани айни ҳақиқат.

Мушоҳада юритсак, бундай хуружлар асосида бир ёвуз мақсад ётганини сезамиз. Шунинг учун ҳам маънавий таҳдидларга нисбатан кўплаб мамлакатларда изчил кураш олиб борилаётир. Уч-тўрт йил аввал Россияда хорижнинг "Жанубий парк" (South Park) мультфильми прокуратура ходимлари томонидан экстремистик мазмундаги «асар» деб топилди. Ҳолбуки, бу мультфильм Россиянинг "2x2" телеканали орқали аллақачон намойиш этилган эди. Мутахассислар "мультфильм мазмуни аксарият томошабинларга салбий таъсир этиши мумкин, чунки у ҳам христианларнинг, ҳам мусулмонларнинг шаъни ва ғурурини топтайди, диндорлар ҳиссиётини ҳақоратлайди, айни пайтда шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этади", деган хулосага келишган.

Дарҳақиқат, кўп ҳолларда "оммавий маданият" ниқоби остида зўравонлик, фаҳш, ахлоқсизлик ғоялари тарғиб қилинаяпти. Бу "маданият"га учган ҳар қандай миллатнинг эса неча минг йиллик қадриятлари, маънавий бойликлари ўз таъсирини йўқотиши ёки қадрсизланиши аниқ.

"Оммавий маданият" ниқоби остида ётган мафкура-ғоя мазмуни асосини "Аввал мен, кейин бошқалар!" кўринишидаги ғарбона эгоцентризм ғояси ташкил этишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўҳна Шарқда эса оилага, жамоага интилиш, улар манфаатини устун қўйиш анъанаси минг йиллар давомида ўзининг ижобий натижаларини бериб келган.

Глобал экологик муаммолар, терроризмнинг глобал харектери, наркотраффик ва уюшган жиноятчилик XXI асрда ҳақиқатан ҳам инсониятга жиддий таҳдид сола бошлади. Айни шундай мураккаб бир вазиятда "ахборот хуружи" деб аталмиш бало ҳам пайдо бўлдики, унинг оқибатларини ён атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатмоқда. Айтайлик, интернет деб аталмиш улкан алоқа майдонида турли халқлар менталитетига, минг йиллар давомида шаклланган ўзига хос характерга ёт бўлган ахборотлар жойлаштирилиб, улар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга муккасидан кетган минглаб кишилар ўзларининг реал ҳаётдаги оилавий ва ижтимоий муносабатлари, ўқиш ва иш жараёнидаги мажбуриятларига масъулиятсиз ёндаша бошлаганлар. Масалан, Gallup тадқиқот агентлиги маълумотларига кўра, АҚШ ва Канадада ҳар учинчи оиланинг ажралишига айнан ижтимоий тармоқ сабаб бўлмоқда. Ушбу хавф фақат Ғарбнинг ўзигагина тааллуқли эмас, албатта. Марказий Осиёда ҳам бу каби муаммолар йўқ эмас. Айни пайтда қирғиз жамоатчилиги ҳам вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар кўлами тобора ошиб бораётганидан хавотирга тушмоқда. 2012 йилнинг ўзида ёшлар томонидан 800 дан ортиқ оғир жиноят содир этилгани мамлакатдаги вазият анча мураккаблигидан далолат бериши мумкин. ЮНИСЕФнинг Қирғизистондаги вакили таъкидича, деярли 40 минг оилада болалар ҳатто туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага ҳам эга эмас. Бу ҳам етмаганидек, болалар уйлари ва интернатлардаги гўдаклар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Биргина давлатга қарашли меҳрибонлик уйлари сонининг 100 дан ошгани, хусусийлари бундан бир неча баробар кўплиги, умуман, бундай муассасаларда тарбияланувчилар сони 22 минг нафардан ортгани ижтимоий-сиёсий вазиятни ўнглаш қўшни мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласига айланганининг далолатидир.

Эътироф этиш керакки, мустақил тараққиёт йўли ҳеч бир мамлакатда равон, бир текисда кечмаган. Чунки дунёда ҳамон кичик давлатларнинг эркини чеклашга қаратилган, уни асоратда сақлашни кўзда тутувчи мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари бежиз давом эттирилмаяпти. Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи ўта муҳим ўрин тутади. Бунда бефарқлик, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айириб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимизга сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ҳамда тарихни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минг шукурки, мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай имкониятлар яратилган.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинизм, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олиш керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолар қуршовида сайёра бўйлаб жиноятчилик кўлами ортиб бораётир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор мамлакатлар парламентлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилада ўзаро меҳр-оқибат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вақти етиб келганини таъкидламоқдалар.

Шундай бўлиши табиий. Масалан, кейинги йилларда Францияда юқори синф ўқувчилари орасида мунтазам равишда гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш одат тусига кириб улгурди. Бундан-да аянчлиси, шаҳар кўчаларида одамлар кўнглига ғулғула ва қўрқув солиш билан шуғулланаётган ўсмирлар гуруҳлари пайдо бўлаяпти. Ахлоқ тузатиш колониялари ўсмирлар билан тўлиб-тошаётир. Натижада Европада бўшлиқни тўлдириш, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлган ўта миллатчи, фашистик кучлар сайловлар арафасида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олмоқдалар.

Таъкидлаш жоиз: мана шундай иллатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида олимлар ва таҳлилчиларнинг ўз қарашлари ва фикр-мулоҳазалари бор. Энг аввало, барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга тушурилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган "беҳаё саҳналар" жиноятчиликни хаспўшлашга хизмат қилаяпти, холос. Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўлса, ўзининг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт. Чунки бундай ҳисдан бегоналик одамларни таназзулга етаклаши муқаррар.

Абдували САЙБНАЗАРОВ

5 КАМЕРАЛИ АППАРАТ

Хорижий ОАВ берган маълумотларга қараганда, Amazon интернет-дўкони ўзида 5 та камерани мужассамлаштирган смартфон уяли алоқа воситаларини ишлаб чиқаришга киришган.

Камералардан бири аппаратнинг орқа томонига, қолганлари эса олди тўртта бурчагига жойлаштирилган. Олд камералар кўз ва бош ҳаракатларини кузатиш орқали 3D форматидаги тасвирни муҳрлаш, бир вақтнинг ўзида турли қирралардан суратга олиш имкониятига эга. Ушбу турдаги уяли алоқа воситаларида сўзлаша туриб, кишилар суҳбатдошининг 3D тасвирини кўришлари мумкин бўлади. Шунингдек, камералар фойдаланувчининг юз кўринишини ажратишга ҳам қодир. Шу сабаб бундай уяли алоқа воситалари бегона қўлларга тушиб қолса, ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. Ҳозирда бошқа техник хусусиятлари ва тахминий нархи ошкор этилмаётган аппарат "Smith" номини олиши кутилмоқда.

БАРЧА ДАРДЛАРГА ДАВО ТАОМ



Ҳиндистонлик ошпаз Гурприт Байснинг таъкидлашича, у ўйлаб топган таом кишини барча хасталиклардан фориғ этади.

Таомдаги айрим қўшимчалар шарқий давлатлар тиббиёти ва ошхонасида асрлар давомида ишлатиб келинган ингредиентлар саналади. Айнан шу қўшимчалар бемор кишилардаги кўплаб касалликларни, саратон ва альгеймер касаллигидан тортиб, то вирусли инфекцияларгача даволаши уқдирилмоқда.

Ошпаз-шифокорнинг фикрича, таомдаги соғлиқ учун фойдали антиоксидлар миқдори 23 ликопча исмалоқ, 23 бош узум ёки 9 порция броккол карамига тенг. Таомдаги шимол ботқоқликларида ўсувчи голубика меваси саратон ва мияда амилоид тошмалар пайдо бўлишининг олдини олса, витамин А, С ва темир моддасига бой Ҳимолай тоғларида ўсувчи гожи меваси бактерияларга қарши курашувчи антибиотик восита ҳисобланади. Чили зиравори оғриқни қолдирса, курукума зиравори юрак, қон-томир ва мия фаолиятини яхшилайди. Товуқ эса кам ёғ миқдорига эга, энг фойдали гўшт ҳисобланади.

Интернет материаллари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Мулоҳаза

Маънавият андозасига путур етмасин

Инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлмиш интернет тизими бутун дунёни тўр сингари ўраб олди. Эндиликда истаган одам ҳар қандай маълумотни исталган жойдан қабул қилиб олиши ёки узатиши мумкин. Унинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясини ўстиришдаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда айнан шу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид, инсон онги ва тафаккурига салбий таъсир этувчи, унинг оромини ўғирловчи, фикрини бузувчи маълумотлар, жангариликни тарғиб этувчи, порносурат ва фильмларнинг ҳам ўрин олгани ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз яхши англаймиз.

Дунёни ахборот бошқараётган бир пайтда маънавиятни бузишга қаратилган бундай тўфонга қарши туришнинг ўзи бўлмайди. Демак, ёшларнинг замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тўғри фойдаланишларини атрофдагилар — ота-оналар, устозлар назорат қилишлари, унинг зарарли оқибатларини ўз вақтида тушунтиришлари зарур. Чунки виртуал оламда кечаётган зўравонлик, беҳаёлик, ўғрилик эртага реал ҳаётга кўчмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Эҳтимол кўпчилик ота-оналарнинг компьютер, хорижий тил ва уларга оид замонавий илмлардан хабарлари йўқдир, лекин улар ота-боболаридан миллий ахлоқ мезонлари бўйича тарбия олган маънавиятли инсонлардир. Кишининг маданиятлилик даражаси замонавий технология ҳамда илмларни билмаслиги билан эмас, балки ахлоқи, маънавиятининг кенглиги билан ўлчанади. Дарвоқе, бугунги замонавий техника-технологияларни яхши ўзлаштирган ёшларнинг тахминан 95 фоизини бошқа тилларни ва компьютерни билмайдиган оналар дунёга келтиришган. Аксарият оналаримиз замонавий илмларни сув қилиб ичиб юбормаган бўлсаларда, биз — фарзандларини халқимиз қадриятлари, одоб-ахлоқ меъёрлари асосида тарбиялашган, элдан кам қилмай камолга етказишган.

Замон билан ҳамнафас бўлиш, дунёдан андоза олишда биз, аввало, маънавиятимизга, руҳиятимизга тўғри келмайдиган унсурларга қарши туришимиз учун "оммавий маданият" ниқоби остидаги иллатлар нималар эканини тушуниб олишимиз зарур.

Истаймизми-йўқми, айрим нодавлат телеканаллар, кабелли телевидениелар ёки махсус мосланган антенналар воситасида Евровидение, Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениеси орқали миллий ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни томоша қилаётган фарзандларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларининг шаклланиши, уларда илм-маърифатга рағбат қай даражада бўлиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Ғарб оммавий маданияти, тубан иллатли одамларни "қаҳрамон" га айлантирган кўрсатувлар, ўзлигини унутмаганларнинг асабини жунбушга келтирувчи реп, поп, рок мусиқаларига маҳлиё бўлган ёш йигит-қизларимиз вақти келиб халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари — мумтоз қўшиқлар, ўлан, баёз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқий оҳангларимизни тушунишармикан, тинглашармикан?

Ачинарлиси, бугун кўпчилик ёшлар Ғарб эстрадасининг "юлдуз"ларини таниш тугул уларнинг ҳаётларини (неча марта турмушдан ажралгани-ю, кўринишини — имижини, бир кунда неча бор кийимини ўзгартирганини) беш қўлдай билади. Аммо миллатимиз руҳи сингдирилган куй-қўшиқ ижрочилари, театр, киноактёрларимизни танишмайди. Маданий ҳаётимиздаги бир қатор ноқисликлар, хусусан, айрим телеканаллар орқали эфирга берилаётган фильмларнинг номақбуллиги, миллий эстрадамизда Ғарб андозаларига тақлиднинг кучлилиги, газета дўконларида олди-қочди, бепарда мавзуларни ёритадиган нашрларнинг кўпайгани ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилмоқда.

Маънавий дунёмизда бундай нохуш вазият рўй бераётган айни замонда фарзандларимиз тарбияси, аёлларимиз шаъни дахлсиз қоладими?! Улар онгида Ватанга садоқат, аждодларимизнинг бебаҳо меросига юксак ҳурмат, ота-онага меҳрибонлик, қўни-қўшни, каттакичикларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бор куч ҳамда салоҳиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга тўлиқ сафарбар этиш учун яна нималар қилмоғимиз керак? Такрор бўлса-да, таъкидлаш керак: бу масалаларнинг ечими фақат оилада, муҳтарама аёлларимиз, оталаримиз қўлидадир. Шу ўринда бугунги аёлларимизнинг маънавий қиёфаси, уларнинг кийиниш маданияти ҳал қилувчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқа миллат вакиллари учун шунчаки имиж саналган кийиниш бизда ахлоқий тамойил ва миллий удум экан, нега биз ўзгалар йўлидан юришимиз керак?! Ахир биз азал-азалдан ўзимизнинг ахлоқий ўлчовларимиз билан дунёга танилган халқ, ғурури баланд миллатмиз-ку!

Минглаб йиллар мобайнида аёлларимиз ўз эркакларининг ори, оила шаъни учун яшаб келишган. Қиз бола вояга етган уйида отаси, акаукаларининг ор-номусини тўкадиган иш қилмаслик, ўзи оила қургач эса эри-ю, фарзандларини уятга қўймаслик учунгина яшаган. Ўзидан кечиб, ҳаётини ўзгаларга бахшида эта билган қудрат эгаси, номус рамзи ҳисобланган АЁЛ шаънига бугунга келиб доғ тушираётган айрим енгилоёқ аёллар қаердан пайдо бўлишаяпти? Уларнинг воситачилари-чи? Яратилган имкониятлар-у, эркинликни шундай тушуниш тўғрими?

"Қиз боланинг ор-номусни баланд қўйиб яшагани "Алпомиш" достонида Қалдирғочнинг акасига айтган сўзларида ёрқин намоён бўлади:

"Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,
Йилқичидан бедов сайлаб минмаган,
Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,
Нар, модалар сендан ортиқ бўлами?
Бу сўзимни нега оғир оласан?
Ёринг кетса, элда қандай юрасан?
Тирик юрмай, ака, сен ҳам ўласан..."

Қалдирғочнинг Алпомишга айтган ушбу оғир сўзларидаги бироз шаддодлик, бирмунча дадилликни одобсизлик, деб эмас, балки ор-номусни мезон билган андишали қизнинг кўнгил ҳолати сифатида тушунмоқ лозим. Сингил юрагини ўртаган, туйғуларни жунбушга келтирган номус олови ака вужудидаги лоқайдлик ва эринчоқликни куйдириб юборади. Алпомишни эркакча ҳаракатлар ва қаҳрамонлик сари ундайди..." (Қозоқбой Йўлдошев "Фикрат")

Бугунги аёлларимиз зиммасида ҳам ана шу маънавий ундов ўз залвори, юки билан турибди. Ўзини уятли ҳолатга солмаслик, айни вақтда, ота, ака-ука, опа-сингил, умр йўлдоши ва фарзандларини номусга қўймаслик учун замонавий ўзбек аёли ҳам ғурурини, орини юксак тутиши орқали аввало ўз шаънини, шу орқали миллати шаънини юқори кўтариши мумкин. Бу нарса, энг аввало, аёлнинг фитратида бўлиши керак. Номус чақириқ ва даъватлар билан қўлга киритилиб, зўрма-зўраки ушлаб туриладиган туйғу эмас. Бу нарса бугунги замон кишисидан катта фидойиликни талаб этади. Номусли бўлиш — ҳар доим ва ҳар дақиқа НАФС билан курашиш дегани. Чунки номус ҳамда эътиқоднинг асосий душмани нафсдир. Қимматбаҳо кийим-кечак, латта-путталар, яхши таомлар, маиший қулайликлар, ўткинчи кайф-сафога берилиш ор-номуснинг қўлдан чиқишига сабаб бўлиши кўп кузатилган. Атрофга уйғоқ шуур билан қараш вақти етди. Инсон ўзидан кейин дунёда фақат яхши ном қолдириш учун яшамоғи керак.

Яна бир муҳим гап: миллатни, халқни, асосан, аёл тарбиялайди. Биз нега Тўмарис, Мумтозмаҳал (Бобурийлар авлоди), Нодира, Увайсий, Курбонжон додхоҳдек тарихий момоларимиз, гарчи асар қаҳрамонлари бўлса-да, Кумуш, Раъно, Зебиларни кўп тилга оламиз. Чунки уларда миллатга хос, аёлга хос юксак фазилатлар, ўрни келганда эркаклардан-да аъло жасоратни, заковатни кўрамиз. Фарзандлардаги, ёш авлоддаги яхши-ёмон феъл-атвор, характерларнинг меъмори истаймизми-йўқми аёлдир. Шундай экан, сўнгсўз ўрнида муҳтарама опа-сингилларимизга шундай дегимиз келади: эй, аёл қаддингни, қадрингни баланд тут! Пок, нуктадон, заковатли, маърифатли бўл! Чунки миллат келажаги — фарзандингнинг келажаги сенинг қўлингда!

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА,
журналист

Бор гап

Бирон кун четда туриб, турмуш тарзимизни кузатганмисиз? Эрталаб кўча-кўйда, маҳаллада кўплаб ўғил-қизларнинг мактаб, коллеж, олий ўқув юртига ошиқаётганини кўриб, ҳавасинг келади. «Ўқийман», «илм оламан» деганнинг замони келди-да. Барча шароитлар яратилган. Қанчадан-қанча ўқув масканлари, кутубхона-ю, ахборот-ресурс марказлари ишлаб турибди. Фақат улардан оқилона, унумли фойдаланиш, қадрига етиш керак. Бундан 15 йиллар аввал олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун инглиз тилини яхши биладиган ўқитувчи қидириб, роса оворай сарсон бўлгандим. Ўшанда каттагина бир туманда инглиз тили ўқитувчиси саноқли экан. Ҳозир-чи? Изланганга имкониятлар эшиги кенг очиқ. Қунт қилиб ўқиса, бас.

Гуруч курмаксиз бўлсайди...

Яратилган бу шароитлардан кенг фойдаланаётган ўғил-қизларга чиндан ҳам ҳавас қиламан. Бироқ илм олиш, ўқиш ўрнига "тўқликка шўхлик қилаётган", вақтини беҳуда сарфлаётган айрим ёшларимизни кўрганда дилим оғрийди. Агар яқин қариндошларнинг фарзандлари шундай одобсиз, оммавий маданият хуружини англаб етмаганидан унинг алдовларига берилгани кишини ташвишлантиради. Уларнинг ота-онасини кўриб, эзиласан. Фарзанди улғайган, энди уни йўлга солиш осонмас. Боласи эрталабдан кечгача интернетту, қўл телефонидан бош кўтармайди. Дарс тайёрлаш, китоб титкилашга лоқайд муносабатини кўриб, ҳайрон қоласан. Қўлидан иш келиб қолганида эса «Ишла!», десанг, «Иш йўқ» дейди, иш топиб берсанг, «Маоши кам» дейди. Билиб олгани «хорижга бораман». Ўз юртида бирор ишни қойил қилмаган одам бошқа жойни "гуллатармиди?"

Шу кунларда узоқ қондошимизнинг ўғли талабалик шарафига муяссар бўлиб, бир ҳафтача бизникида яшади. Дарсга эрталаб соат 9 ларга яқин чиқиб кетади. Агар уйқудан кеч турса, бормай қўяверади. Бунақа талабани умримда биринчи бор кўришим. Турса, ўтирса, "айфон"и қўлидан тушмайди. Иш буюрсанг ҳам қулоғи қулоқчинлар билан банд. Кечаси 2-3 ларда уйғониб қолсанг, "алло-алло" ёки SMS ёзиб ўтирган бўлади. Бу қилиқлари камдай «Уйдагилар планшетимни тезроқ бервора қолишсайди... Телефондан зерикдим» деб қўяди. Агар ўша матоҳи келса, унинг ичига кириб яшаса керак-ов.

Энг ёмони, унинг ғиштдай келадиган "қутиси"га эндигина боғчага чиқаётган болаларим ҳам ёпишиб олишган. «Дада, сиз ҳам шунақа телефон олинг", — дейди қизим. Менинг жаҳлим чиқади. Бир амаллаб тиш-тишга қўйилади. Ота-онасига боплаб ёзғирай, дейман-у ўртада «ҳурмат» бор. Қолаверса, одамгарчилик... Яхшиям "талаба"миз бир ҳафта деганда ётоқхонага кўчиб ўтди. Бўлмаса...

Шунга ўхшаш яна бир воқеа. Ҳар кунги одатимга кўра 85-автобусга чиқдим. Тирбанд. Одамлар ишдан уйига қайтмоқда. Ҳамманинг эътибори орқа ўриндиқда ўтирган уч нафар коллеж ўқувчисида. Улардан бири телефонига келган «ватсап» «прикол»ларини дугоналарига қўйиб бермоқда. Уларнинг "қотиб-қотиб" кулишлари йўловчиларнинг энсасини қотирарди. Ахийри бир онахоннинг сабри тугаб, уларга дашном берди. Қизларнинг кулгуси тинди-ю, бироқ оғизлари тинмади. Улардан бири:

— Ўн кун ўқишга бормайман. Зерикиб қолмаларинг яна, — деди.

Дугоналаридан бири "Тинчликми?" дея сўраганди ҳалиги қиз: — Ҳа, тоғам уйланаяпти. Уларникида бўламан, — деб жавоб қайтарди. — Ўқишга бориб нима қилдим? Шундоқ ҳам дарсларда зўрға ўтирибман.

Унинг гапларидан ўйланиб қолдим. Наҳотки илмга, ўқишга муносабат шунчалик бўлса?! Енгил ҳаёт йўлини танлаган бу такасалтангларни жиловлаш, тергаб туриш ҳаммамизнинг бурчимиз-ку, айниқса ота-оналар, фарзандлари қандай юриши-ю одобидан бехабар бўлса... Уларнинг келажаги учун ким маъсул? Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек талаба ё ўқувчилар орасида ҳам шундайлари учраб туради. *«Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»*, деган эди миллатсевар педагог Абдулла Авлоний. Бугунги кун ўзбек ўғил-қизларидан айримларининг юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзи ва одобахлоқи хусусида мулоҳаза қилинса, юқоридаги хитобнинг нечоғли қийматга эга эканига амин бўласан, киши.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Ўйлашайлик!

Ганглов сиздан, баҳо биздан

ОҚ ЛИБОССИЗ ҲАМ ТЎЙ БИНОЙИДЕК ЎТДИ

Амакимнинг кичик қизи узатилганига ҳам икки йил бўлди. Ўшандан бери қариндош-уруғларнинг қайси бириникида тўйга тараддуд кўрилса, бўлғуси келин қандай либос кийиши ҳақидаги баҳс яна янгиланади... Ўзиям эсда қоладиган тўй бўлган эди-да. Барча хушкайфиятда. Дастурхон камчиқим тузалган бўлса-да, тўкин-сочин. Икки томон қудаларнинг ҳам лабидан табассум аримасди. Айниқса, куёв томоннинг. Уларнинг гапини икки қилмай, қайнотаси истагандек миллий либосда саҳнага чиққан опам ёш-у, қари — барчани хушнуд этди. «Бўларкан-ку» деганлар ҳам топилди. Хуллас, маҳаллада дув-дув гап бўлган бу тўй ўзбекона урф-одатларимизга ҳамоҳанг тарзда ўтди.

«КИЙМАСАМ БЎЛАР ЭКАН...»

Яқинда яна бир қариндошимиз қизини узатди. «Барибир оқ либос кияман», дея оёқ тираб олган амакиваччам бирортанинг гапини қулоғига илмади. Отнинг калласидай нархга келинлик либосини кийди. Тўғри, кийим чиройли, нафис эди-ю, лекин унинг эгнида номуносиб турарди. Елкалари ярим очиқ, қоматини нақ билинтириб турган бу либосни кийганидан, менимча, Дилнуранинг ўзи ҳам уялди. Буни ҳар таъзимга эгилганда уятдан қизарган ёноқлари билдириб турарди. Айланиш ҳам кўнглидагидек кечмади. Либоснинг орқага томон ярим метр чўзилган қисми унинг юришига халақит берарди. Хуллас, ўша оқшом янги ҳаёт остонасига қадам қўяётган келиннинг қовоғи ҳеч очилмади. Дилнуранинг кайфияти даврага ҳам кўчгандек эди, гўё. Барча хомуш, ўйин-кулгу ҳам одатдагидан фарқли... Наҳот биргина арзимас хато шунча кўнгилсизликка олиб келса? Тўғри-да, шундай унутилмас кунда биргина либосдан таъби тирриқ бўлиш қайси келинчакка ҳам ёқарди?!

"КЕЛИННИ КЕЛГАНДА КЎР..."

Ҳар бир ўзбек хонадонида тўй бошланар экан, барча нигоҳлар бўлғуси келиннинг сепидан тортиб, чиройигача қадалади. Албатта, бу орада никоҳ базмида киядиган либоси ҳам эътибордан четда қолмайди. Ахир, тўй кечаси меҳмон ва мезбонлар билан лиқ тўла тўйхонага ёрёр садолари остида кириб келадиган келин ва куёвнинг даставвал ташқи кўринишига қараб баҳо берилади-да.

Яқин қўшнимиз яхши ниятлар билан тўнғич ўғлини уйлантирди. Ҳашаматли тўйхона, тумонат меҳмон ва тўкин дастурхон. Бир маҳал даврага барча интиқиб кутган келин-куёв кириб келишди. Ҳамма уларни олқишлар билан қаршилади. Бирдан аёллар орасида шивир-шивир авжига олди. Базмни бузаётган овозлардан жаҳлим чиқиб, бор эътиборимни келинга қаратсам, хижолатдан кўзимни қўярга жой тополмадим. Чунки келинчак елкалари, олд қисми очиқ-сочиқ, этаги узуқ-юлуқ, бир аҳволда ўнғайсиз қадам босиб саҳна томон илдамлаётган эди. Ёши улуғ онахонларимиз уятдан рўмолларининг учи билан юзларини беркитган бўлсалар, куёвнинг опа-сингиллари у-буни баҳона қилиб, даврани тарк этишди...

Бироқ қувончи ичига сиғмай, ишшайиб турган куёв келиннинг либосига бепарво эди. Эшитишимча, нечадир соатлик шу либос учун бир рўзғорни обод қилгулик сигирнинг пули кетганмиш. Шундай қимматбаҳо кўйлакнинг тепасига ярим энлик мато топилмагани чакки бўлибди-да. Қишлоқ жойларида ҳам бу каби либосларнинг кийилаётгани ҳар биримизни ўйлантиради. Афсуски, нафақат ота-она, қариндош-уруғ, балки барчамиз бу каби ҳолатларни бепарволик билан модага, замонага йўямиз.

НЕГА ҲАЛИ ҲАМ «АЖНАБИЙ» ЛИБОСЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР?

Бугун бошқа мамлакатлардаги каби бизнинг ўзбек келинчаклари ҳам оқ либос кийишаётгани айни ҳақиқат. Ажнабий либослар билан бир қаторда миллий услубдаги келин кўйлаклар ҳам тикилаяпти. Лекин негадир ҳамон оқ кўйлаклар танловимиз асосига айланаяпти. Менимча, бунга келинчакларимиз ёшлик орзуларидан воз кечишолмаётгани ёки хориж либосларига кўр-кўрона маҳлиё бўлишаётгани сабаб бўлаяпти. Қизларимизни болаликдан чет эллик маликалар ва уларнинг кийимлари хусусида айтилган эртаклар шу кўйга олиб келмадимикан, дея ўйланасан киши. Эндигина ақлини таниётган ҳар қандай қизалоқдан сўрасангиз, оппоқ рангли, этаги ҳурпайган, маликаларникидек башанг либос кийиш орзусини билдиришади. Балки ёшликнинг беғубор орзулари шундай кўйлакни истар. «Ёки бошқалар оқ либос кийганда мен қандай қилиб саҳнага миллий либосда чиқаман» қабилидаги иккиланиш, «Ҳали бу ўртоғимникидан ҳам зўр, қимматини кияман» қабилидаги манманлик ўзбек маликалари кийган камалакранг келин либослар йўлига тўсиқ бўлаётгандир.

Фикри ожизимизча, йўлларимизни безаб турган оқ либосларни ижарага берувчи салонлар рекламалари ҳам бу орада маълум маънода роль ўйнаяпти. Кўз ўрганган бу хил рекламалар йиллар давомида қизларимизнинг онгини забт этиб бўлди. Бир кеча учун милллионларни сарфлаб, оқ либос кияётган келинчакларимизни ҳам тушунишга ҳаракат қилдим. Ва оқибат миллий келин кўйлаклар рекламаси йўқлигини, бўлса ҳам камлигини важ қилиб, қизларимиз тарафини олишни жоиз топдим.

РАҚОБАТГА ШАЙ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

«Оқландим» деб хурсанд бўлишга ошиқманг, қизларжон! Эшитингизми, дунё аҳлини рангу жилоси билан йиллар ўтса-да, ўзига жалб қилиб келаётган атлас-у, адрасларимиздан келин либослар тикилаяпти экан. Дизайнерларимиз сўнгги услубдаги оқ либослардан қолишмайдиган келин кўйлакларни яратишаётгани ҳам айни ҳақиқат. Уларнинг ҳам этаклари ҳурпайган, оқ фатин матоси қўшиб тикилган. Энг асосийси, ажнабий либосларга ўхшаб қоматингизга тўғри келмаса, сиқилмайсиз ёки мос бўлганда ҳам олди, елкалари очиқлигидан уятга қолмайсиз. Чунки сизга мос бичим ва услубда буюртма асосида тиктириш имконига эгасиз. Нархлари ҳам ҳамёнбоп. Муҳими, шарқона жозиба-ю, нафосат нафақат юзингизда, балки эгнингизда ҳам акс этади.

Ҳинд келинлари неча асрки, қадимий урф-одатларига содиқлик билан ҳалигача сариларини тўй кечаси кийишяпти. Ёки япониялик келинчаклар ўз киманосидан воз кечишгани йўқ. Шундай экан, сиз нега миллий либос кийишдан уяласиз? Яқин ўтмишга разм солинг. Момоларингиз неча йиллар атлас, шойи либослар кийишганди-ку. Уларни камситишга журъат этишганмиди? Суратларини кўрганда, дилингизнинг бир чеккасидан "тўйимда мен ҳам шунақа кийинсам" деган орзу ўтадику. Нега шундай чиройли орзуни армонга айлантирасиз? Атрофингизда ҳеч ким миллий руҳда тикилган келинлик либосини киймаяптими? Балки уларда ҳам сиздагидек жасорат етишмаётгандир. Келинг, бир миллий келин либос кийиб, кўзларни, дилларни яйратинг. Зеро, ҳавасманд қизлар ҳам сизнинг изингиздан эргашишсин! Биз ҳам баҳонинг аълосини қўяйлик!

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

Талқин

... ЎТМАГАН "ЎТКАН КУНЛАР"

Ўзбек сўз санъатининг беназир намояндаси Абдулла Қодирий асарларини саҳналаштириш учун театр ижодкорлари ўтган асрнинг 1968-70 йилларидан мурожаат эта бошлаган. Хусусан, унинг "Ўткан кунлар" романи асосида 1973 йили Фарғона вилоят театрида Ш.Низомиддинов инсценировкаси асосида (режиссёр Н.Отабоев) қўйилган спектакль дастлабки қадам ҳисобланади. Орадан қирқ йил ўтиб, Ўзбек Миллий академик драма театрида "Ўткан кунлар" (Эркин Хушвақтов инсценировкаси) намойиш этилди.

Кинорежиссёр Йўлдош Аъзамовнинг "Ўткан кунлар" бадиий фильмининг салобати ҳам узоқ йиллар давомида театр ижодкорларини бу асарни қайта саҳналаштиришдан тийиб турди. Мазкур фильм ютуғининг замирида ўзбек театрининг атоқли санъат усталари Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Марям Ёқубова, Ҳамза Умаров, Наби Раҳимов ва бошқа "юлдузлар"нинг залворли меҳнатлари бор, албатта. Фильмда ўша йилларнинг ёш санъаткорлари Ўлмас Алихўжаев, Гулчеҳра Жамилова ва Гулчеҳра Саъдуллаеваларнинг ижролари ҳам фильмнинг жозибали кашфиётлари сифатида эътироф этилганди. Тан олиш керак, буларнинг ҳаммаси фильм режиссёри ва инсценировка муаллифининг профессионаллигини белгилайди.

Санъатнинг ҳаётда амал қилиб келинаётган бир ажойиб қонунияти бор. Бирор мумтоз асарнинг саҳнавий ёхуд экранда гавдаланиши учун юксак сифат пиллапоялари забт этилиб, кенг томошабинлар оммаси эътирофига эришилгач, ушбу мавзу ёки мумтоз асарнинг навбатдаги саҳналаштирилиши ёки экранлаштирилиши қатор профессионал муаммолар ечимини талаб қилади. Соддароқ ифодаласак, эл суйиб қабул қилган асар аввалгисидан устунроқ кўринишда талқин этилмаса, уни кўрган томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлади. Бу қонуниятлар билан ҳисоблашмаслик читтакнинг ҳолига тушиб қолиш билан баробардир.

Театр ҳар куни томошабинлар билан юзма-юз келганда муносиб ё номуносиб ҳолатни бошдан кечиришга маҳкум. Чунки асарлар ғоявий ва бадиий жиҳатдан керакли даражада ўз талқинини топиши учун зарур асослар — сифатли адабий манба, қаҳрамонларнинг саҳнавий образларини ёритишни эплай оладиган актёрлар ва профессионал режиссура бўлмоғи зарур. Бу жаҳон ва миллий театримиз тарихида кўп марта ўз тасдиғини топган аксиома ҳисобланади. Биз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи асосида яратилган ва келгусида яратиладиган саҳна асарларига фақат ана шу мезонларда ёндашувимиз лозим.

Келинг, спектакль ҳақидаги таассуротлар ва мулоҳазалар билан ўртоқлашайлик. Биринчи иддаомиз спектаклнинг янги варианти ўта зерикарли чиққани сабабдандир. Унинг зерикарлилиги юқорида тилга олганимиз — адабий манба, актёрлар ижроси ва режиссуранинг яхлитлиги таъминланмаганида акс этади. Ҳар қандай спектаклда режиссёр талқини актёр ижроси ёки инсценировка муаллифининг позицияси баҳсталаб, мунозарали бўлиши мумкин, бунга театр ҳақли. Томошабин ёки мутахассис у ёки бу масалада театр илгари сурган фикрга қўшилиши ёки қарши чиқиши табиий ҳол. Бу театрнинг тараққиёт йўлларида нормал ҳолат ҳисобланади. Аммо зерикарлилик спектакль яратувчиларнинг ижодий ожизлигини кўрсатади.

"Ўткан кунлар" — илк чоп этилган йиллардаёқ халқимиз қалбини забт этган асар. Абдулла Қодирий қатағонга учраган, унинг асарлари тақиқланган даврларда ҳам бу китоб яширин тарзда ўқилган, қўлдан-қўлга ўтиб, оғиздан-оғизга кўчиб юраверган. Қодирий оқланиб, китоблари нашр этила бошлангач, бу асар китоб оламида улоқни ҳеч кимга бермади. Айниқса, мустақиллик йилларида миллий қайта туғилишнинг тенги йўқ маънавий-маданий манбаи бўлган бу асарнинг Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида шу қадар жўн саҳналаштирилиши унга нисбатан номуносиб ёндашув дейиш мумкин.

Инсценировка Марғилондаги карвонсаройда Отабек ҳужрасига ташриф буюрган Марғилоннинг кўзга кўринган бойларидан бири Зиё шоҳичининг ўғли Раҳмат ва унинг тоғаси Ҳомид билан суҳбатлашув саҳнаси билан бошланган. Спектакль эса Отабек ва Кумушнинг тасодифан кўзлари тушиш саҳнаси билан бошланади.

Романда бу ҳолат шундай баён қилинган: "Дўкондор унга сувнинг қулай ўрнини кўрсатади: "Мана шу дарвозадан ичкари кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз", деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича Қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгувчи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган, чингилин йигитга беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар. Охирда Кумуш нимадандир чўчигандай бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тутиб турган қирқ кокиллари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитга яна бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қилди..."

Спектаклда эса парда очилиши биланоқ саҳнага бир ёндан Кумуш, иккинчи томондан Отабек кириб келади. Жуда яқин, бир-икки қадам масофа оралиғида бир-бирларига тикилиб турадилар. Кумуш Отабекка ютиб юборгудек тикилиб қарайдики, романда келтирилган нафосат, ҳаёли-иболи нигоҳлардан асар ҳам сезилмайди. Эътибор берилса, асарда ижрочилар ва режиссёр учун саҳнавий ҳолатларни амалга ошириш усуллари А. Қодирий томонидан аниқ-тиниқ кўрсатилаяпти. Қодирий "ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий..." деб қайта-қайта таъкидлайди. Буюк ижодкор бу романни ёзгунига қадар театр санъати табиатини чуқур ўзлаштирган, спектакларни таҳлил қилиш уқувини ҳам эгаллаган. Ижодкорнинг юқорида келтирган иборалари драматургияда "ремарка" вазифасини бажаради.

Гоголь ўз пьесаларида ремаркаларда актёрлар бажариши керак бўлган вазифаларни аниқ белгилаб, уларга амал қилишни қаттиқ талаб қилган эди. Инглиз драматурги Бернард Шоу пьесаларида ремаркалар катта ҳажмга эга бўлиб, актёр ва режиссёрларга нафақат характерлар, балки зарур муҳитни юзага келтириш каби мураккаб вазифаларни илгари сурган.

Абдулла Қодирий соф саҳнавий асарларни ижодининг бошланиш даврида илк тажриба сифатида яратган бўлса-да, журналистик фаолияти давомида театр санъати сир-синоатларини шу қадар пухта ўзлаштирганки, ўзининг ремаркаларида ҳар бир персонажни тавсифлашдан ташқари саҳнада ҳолатларни бажаришлари учун профессионал кўрсатмаларни ҳам бера олган. "Ўткан кунлар" романида аниқ-тиниқ кузатилган бу фазилатни биринчи бўлиб пайқаган буюк кинорежиссёримиз Наби Ғаниев эди. Ижодкор романни фильм қилиш мақсадида ундаги кино манзараларини қалам билан белгилаб олгани, А.Қодирийнинг уйига боргандаги суҳбати ҳам адиб асарларини саҳналаштириш ёки экранлаштиришни мақсад қилганларга жуда аҳамиятлидир.

Наби Ғаниевнинг "Ўткан кунлар" ҳақидаги фикрлари уни саҳналаштириш ишларида ҳам услубий манбадир. Зеро, романни ўқир эканмиз, Наби Ғаниев кўз ўнгида гавдаланадиган кадрлар театр режиссёри кўз ўнгида "мизансаҳналар" сифатида гавдаланмоғи муқаррар. Фақат бунинг битта шарти бор: режиссёрдан истеъдод ва чуқур билим, юксак савия, профессионал маданият талаб қилинади. Акс ҳолда Қодирий "панжасига панжа урмоқ" мумкин эмас.

Янги талқиндаги инсценировка 12 кўриниш ва хотимадан иборат. Романда ҳар бир кўринишнинг воқеий асоси бор. Фақат X ва XI кўринишларда романдаги Кумушдан фарқланувчи, ёлғон-яшиқни ўйлаб топадиган, аллақандай "ҳоласининг қизи Зайнаб гумбаз" ҳақидаги уйдирмаларни кундоши Зайнабнинг олдида айтилиши А. Қодирийнинг Кумушига хос бўлган табиий ва ички маданиятни, ундаги маънавий гўзалликни йўққа чиқарган. XI кўринишда Кумуш ва Зайнаб билан ўтадиган саҳна ҳам "ўзбек романнавислиги отаси"нинг руҳига зид манзара сифатида талқин этилибди. Қодирий романидаги олижаноб қалб эгаси бўлган Кумуш замонавий енгил-елпи пьесалардаги аёлларга ўхшаши мумкинми? Хуллас, инсценировканинг ўзида, роман матни умуман мавжуд бўлса-да, унинг ўзбекона руҳий олами ҳис этилмаган. Бу ерда кашфиётларга зарурат йўқ эди. Фақат романнинг ички дунёсига кира билиш керак, холос. Романни неча марта ўқиманг, сизни бошқа романларда учрамайдиган руҳ қамраб олади. Шундай экан, саҳнада роль ижро этаётганлар матнни ёдлаб, шунчаки гапириш эмас, балки ҳар бир персонажнинг ички оламини кўриб, ҳис этиш, шу театрда ижодий мактаб яратган устозлар Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Олим Хўжаевлар қолдирган ижодий меросни билиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қўлларидан келса, ривожлантириш зиммаларидаги муқаддас бурч эканини унутмасликлари керак эди.

Романни саҳнага олиб чиқишнинг энг қийин томони шундаки, образга муносиб ижрочи топилгани билан иш битиб қолмайди. Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Мирзакарим қутидор, Офтоб ойим, ҳатто Ҳасанали образи ҳам истеъдодли ижрочиларни талаб қилади.

"Ўткан кунлар" бадиий фильми ҳозир ҳам намойиш қилиб турилади. Шундай бўлгач, фикримизнинг исботи учун Юсуфбек ҳожи ойласининг "ўз одами"га айланган Ҳасанали образини ажойиб санъаткор Ҳамидулла Наримонов маромига етказган. Аббос Бакиров талқинидаги Юсуфбек ҳожи, Марям Ёқубова ижро этган Ўзбек ойим, Раззоқ Ҳамроев яратган Қутидор ва бошқа образлар миллионлаб телетомошабинлар қалбига муҳрланганини назарда тутсак, ҳозирги спектаклдаги ижролар ижодий беллашувга ярармикан?..

Театр санъати – марду майдонлар санъати. Ҳар бир томошада истеъдод, иқтидор, тафаккур воситалари, эстетик маъно-моҳият намоён бўлади. Роман ўқилиши жараёнида Отабекнинг ёвузлар билан бир ўзи олишиб, Ҳомид ва шерикларини ўлдириши воқеасида китобхоннинг юраги ҳаприқиб туради. Ўша китобхон бугун саҳнада намойиш этилаётган жуда енгил, осонгина амалга оширилган бу кўриниш ижросига фақат истеҳзо билан қараши мумкин. Ва ниҳоят, спектакль янги бўлишига қарамай, ижро давомида томошабинларнинг айримлари залдан намойишкорона чиқиб кетганликлари, антрақдан сўнг эса томошабинлар камайиб қолаётгани ҳам бежиз эмас.

Албатта, мазкур танқиднинг спектакль ижодкорларига ёқмаслик эҳтимоли кўп. Лекин на чора? Ижодкорлар азалдан маълум бўлган "Афлотун менга дўст, аммо ҳақиқат ундан муҳимроқ" деган мақолни биладилар ва танқиднинг умумтеатр манфаатидан келиб чиқаётганини тушуниб етадилар, деб ўйлайман. Айни пайтда театрдаги ижодий муҳит, мавжуд муаммолар хусусида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилган "Янги мавсум ўйлари", "Бир асарнинг икки талқини", "Hurriyat" газетасида эълон қилинган "Замонавий драматургия мавжуд, аммо..." сарлавҳали мақолаларда Ўзбек Миллий академик театрининг репертуар сиёсати ва режиссураси ҳақида кескин танқидий мулоҳазалар билдирилди. Бироқ театр жамоаси ушбу мақолаларни муҳокама қилиб, муносабат билдиргани йўқ. Ваҳоланки, ҳар икки газетадаги мақолаларда баён қилинган мулоҳазаларга муқобил қарашларни чоп этиш учун матбуот нашрлари очиқ. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳатто истаганларни мунозарага ҳам чорлаган эди. Бироқ танқид қилинганлардан ҳалигача садо чиққани йўқ. Аксинча, театр жамоаси ишдаги камчиликларни тузатиш ўрнига эски усулда "ижодий изланиш"да давом этмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида тақдим этилган "Ўткан кунлар"ни кўрсатиш мумкин.

> *"... келишсиз ишлар театр оламинда шу даража кўпдирки, буларни ёзиб кўрсатув учун бутун вақтни фақат шунга боғламак керак бўлур. Бу ҳолнинг давоми ёш саҳнамиз учун жиноят, суиистеъмолдир. Бунинг каби эътиборсизликларни орадан кўтарув учун бирдан-бир чора бўлса, у ҳам танқид йўлидир".*
>
> **Абдулла ҚОДИРИЙ**

Сценарий муаллифи Эркин Хушвақтовга ўзининг драматургик мавзу доираси етарли эканини эслатиб, Абдулла Қодирий қаламига мансуб, миллий маънавиятимизнинг муқаддас мулкига мурожаат қилганда ниҳоятда ҳушёр бўлишни, етти ўлчаб бир кесиш зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Режиссёр Марат Азимов ҳам ўз иқтидори доирасида бир нечта спектаклларни саҳналаштирган. Аммо чуқур фалсафий маъно-моҳиятга эга асарлар мағзини чақолмагани "Абулфайзхон" (Фитрат асари), "Жаннат ўзи қайдадир" (Эркин Аъзам асари) спектаклларида яққол кўринган ва бу ҳақда ошкора айтилган эди.

Романдаги ижтимоий жиҳатларни эмас, ундаги муҳаббатни кўрсатмоқчи бўлдик, дейишларга ҳам спектаклдаги Кумуш, Зайнаб, Отабеклардаги муҳаббат тасвири Абдулла Қодирий романидаги бахтли ва ғамли оҳангларга тўлиқ, бир қарашда беихтиёр чақнаган ва улар ҳаётининг мундарижасини ўзгартириб, тақдирини белгилаган муҳаббат ифодалари йўқ. Аслида мазкур саҳна "асари"да романдаги МУҲАББАТ жарангдор торларда янграши лозим эди.

Тоир ИСЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

ЁЗМАСА... ТУРОЛМАЙДИ

Хажвия

Ишлоқда Жумақулни билмайдиган одам йўқ ҳисоби. Биров «ёзувчи» деса, бошқаси «иғвогар» дейди. Бугун ҳам хат жўнатиб, уйига кириши билан хотини шанғиллади:

— Гулмат дўкончининг устидан ёзган хатга жавоб келди. Ўқиб берайми?

— Ҳайронман, сендай калтафахмга! Нимага бировнинг хатини очиб ўқийсан?! Ким сенга бундай ҳуқуқ берди?

— Ахир сиз биров эмассиз-ку! Қолаверса, хатни бирга ёзган бўлсак, нега ҳаққим бўлмас экан? Бундан ташқари фактларни ўзим топганман-ку!

— Хўп, бундан кейин тартибни бузмагин. Ўқи-чи!

Хотини ўқий бошлади: *"Чинор" маҳалласида яшовчи фуқаро Жумақул Наштаровга! Сизнинг Гулмат Умматов устидан ёзган хатингизни кўриб чиқиш учун солиқ идорасига жўнатдик. Натижаси сизга хабар қилинади. Бургутов "имзо".*

— Ҳаммаси мен ўйлагандек кетяпти, — деди Жумақул. — Агар ёзганларим тасдиқланса, «обрўйим» ошиб, номимни эшитганлар даҳ-даҳ титрайдиган бўлади.

— Яна кимнинг шўрини қуритмоқчисиз? — сўради хотини.

— Матхоликнинг.

— Салим Сўфининг ўғлиними?

— Ҳа, ўша тирмизакни. Тунов куни салом бермай безрайиб ўтиб кетди. Қараб тур, олдимда икки букилиб, хизмат борми, деб турмаса, Жумақул отимни бошқа қўяман.

— Қўйинг, шунга тегманг. Бир марта салом бермаса, бермапти. Ахир электр ҳисоблагичингизни доимо орқага айлантириб турган бўлса. Айтгандай, мендан нимани сўрамоқчи эдингиз?

— Онангни кўргани бораётганингда маҳаллада қанча симёғоч ва трансформатор борлигини билиб кел!

— Нима қиласиз?

— Матхоликнинг даромадини ҳисоблаш керак-ку. У симёғочга чиқиб тушиши учун бир кило гўштнинг пулини сўрайди.

— Сизга унинг даромади нимага керак бўлиб қолди?

— Шунча ўргатсам ҳам гўлсан-да, хотин. Даромадини аниқлаб ўзимнинг «доля»мни чиқармоқчиман.

— Бу ишни қилолмайман, дадаси. Энди кўчада симёғоч санаб юришим қолувди.

— Унда бу «иш»дан доля сўрама!

— Хўш, буни қандай исботламоқчисиз?

— Йўли жуда осон! Фақат ака-укаларингдан, сингилларингдан учта тилхат олсанг бўлгани.

— Бу ишни қилолмайман! Ахир чироғингизни ёқиб турган шулар-ку. Ўчириб қўйса, кечангиз қоронғуда ўтади.

— Мен унда ўзини ўчираман!

— Ўчириб бўпсиз. Исботингиз йўқ.

— Исбот бор! Уйимиздаги электр ҳисоблагични орқага қайтариб қўйгани "точний" факт-ку.

— Электрга пул тўламаяпсиз. Матхоликни сизга берган доляси шу?

— Майли, сазанг ўлмасин, Матхоликка раҳм қиламиз, — юмшади Жумақул. — Хўш рўйхатни қара-чи, энди кимни ёзамиз?

— Қосим косибни?

— Бургутовнинг қўшнисими?

— Ҳа! Яқинда иккаласи бир кунда «Ласетти» олишди. Ҳеч кимни назарга олмайдиган бўлишган.

— Демак, сени ҳам назар-писанд қилмаяпти. Шунинг учун ҳам ёзиш керак!

— Нима деб ёзасиз, гап шунда-да, — деди хотини қоғозларни титкилаб. — Фактлар етарли эмас.

— Хавотирланма, «дозани оширамиз», иккита аниқ факт бўлса бас. Шундай қўрқитайликки, текширувчилар биз томонга бир юз саксон даражага бурилиб қолсин.

— Хўш, ҳозир Қосим косиб қаерда ишлаяпти?

— Санақулнинг уйида! Дастгоҳни электр ҳисоблагичсиз тўғридан-тўғри симга улаб ишлатаяпти. Энди уни «нур ўғриси» деб ёзамиз. Энг асосий факт — Бургутов! Мансабини суиистеъмол қилиб, Қосим косибни солиққа тортмасдан даромадини ўзига ўзлаштириб олаётганида.

— Зўрсиз-да, дадаси! Бирорта институтда ўқиганингизда борми, журналистларни ҳам доғда қолдирардингиз.

Жумақул хотинининг бу гапидан руҳланди шекилли, «ижод» қилиш учун хаёл сура бошлади. Кейинги ўн беш кун ичида яна бир неча кишига қаламини ўқталганди. Аммо кутилаётган жавоб хатларини ўқиб, ҳафсаласи пир бўлди. Бугунгисиниям ўқиб кайфияти тушди. Бир нималар деб ғўлдиради.

— Нимага жаҳлингиз чиқяпти? — деди хотини. — Тасдиқланмабдими?

— Хом ишлайсан, хотин! Фактлар аниқ дегандинг. Гулмат Умматов эса қонун доирасида ишлаяпти, рухсатномаси бор, солиқларни вақтида тўлаяпти, деб ёзишибди.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади.

— Қарагин, ким экан?

— Сизни фабрика омбор мудири Олғирбоев сўраяпти.

— Айт, кирсин!

Жумақул Олғирбоев билан саломлашаркан, кўзини унинг сумкасидан узмасди.

— Келинг-келинг. Қандай шамол учирди. Бизни йўқлабсиз?

— Хўжайин Жумақул акангнинг хабарини олиб кел, деб юбордилар.

— Энди эсларига тушибмиз-да. Назарларига илмасдилар-ку!

— Йўғ-э, ундай деманг, сизни ҳурмат қиладилар. Мана, фабрика маҳсулотларидан бериб юбордилар. Костюм-шим. Мана, буниси келинойимизга, энг сўнгги модадаги кўйлак.

— Бу латта-путталарингни бошимга ёстиқ қиламанми? Қуруғидан бермайсанми?

— Қуруғидан ҳам бўлиб қолар.

Олғирбоев кетгач, Жумақулнинг хотини деди:

— Роса қўрқишганга ўхшайди.

— Фабрика директори деганлари ҳеч кимдан қўрқмайди. Масаланинг бошқа томони бор. Агар устидан хат ёзиб жўнатсак, текширувчи келадими? Келади. Уларни бир неча кун боқишадими? Боқишади. Албатта, кетгандаям қуруқ кетишмайди. Бизларни эса арзимаган латта-путта билан тилимизни қисиқ қилмоқчи. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Албатта ёзиш керак?

— Қўйинг, шунисига ҳам шукур. Катта бошини кичик қилиб сизга мурувват кўрсатиб турган бўлса.

— Майли, Олғирбоев масаласини келгуси йил рўйхатига киритиб қўй!

— Рўйхатни кўздан кечираётган хотини ўз дадасининг ҳам исм-шарифини кўриб ҳангу-манг бўлиб қолди.

— Дадамниям «қора рўйхат»га киритибсиз-ку! Дадам сизга нима ёмонлик қилди? Киши ўз отасини ҳам ёмонотлиққа чиқарадими?

— Ҳой хотин, бу ишда буниси қайнота, буниси тоға деб қаралмайди. Қаердан доля унса, ёзилаверади. Даданг ҳам анойилардан эмас. — Давлатнинг эллик миллион сўмини талон-тарож қилиб, ҳеч нарса кўрмагандек писиб юрибди. Агар яна жаҳлимни чиқарсанг, даданг билан қўшиб сени ҳам ёзаман.

— Дадам пулларни жойига қўйган. Жаримага тортилди. Бу ишни кавлаш нимага ва кимга керак?

— Жарима енгил жазо.

— Нима, қамалишини истайсизми?

— Бўлмаса даданг нега «доля» бермайди?

— Вой, дадам ўз куёвига ҳам «доля» берсинми? Ўйлаб гапираяпсизми?

— Кўп нарсага фаҳминг етмайди, хотин. Агар ўз яқинларингнинг устидан ёзсанг, одамлар биздан янаям қўрқишади. «Доля» ўз-ўзидан келаверади. Қарабсанки, бирпасда бойиб кетамиз!..

— Унда ўзингизникини ёзинг!

— Кимни ёзай? Отам ҳам, тоғам ҳам оламдан ўтган бўлса. Сеникилар тирик. Агар уларни ёзсак, довруғимиз ошади.

— Дадам «доля» берса, ёзишни бас қиласизми?

— Олдин берсин-чи!

— Мана шу узукни дадам совға қилганлар. Шуни олинг-да, дадамни тинч қўйинг!

— Бу бошқа гап, ўчир, даданги рўйхатдан!

Шу пайт тағин эшик тақиллади. Хат ташувчи экан. Жумақул хатни ўқиб, кайфияти бузилди.

— Ярамас Бургутов. Сеними, шошмай тур!

— Нима бўлди дадаси?

— Бало бўлди, дард бўлди. «Бургутовнинг «Ласетти»си хизмат машинаси экан. Бунга сен айбдорсан. Фактларни обдон текширдим дегандинг-ку. Бургутов ўзини ким деб ўйлаяпти? Қонини микроскопда текширтирмасам юрган эканман.

Шу пайт ўғли ҳовлиқиб кирди.

— Дада, тез чиқинг! Маҳалла идорасига борарканси-з. Ташқарида посбон кутяпти.

— Маҳалла? Чиқиб айт, керак бўлса, маҳалланинг ўзи келсин ёнимга. Маҳалла-паҳалласи билан ёзиб қуритаман!

...Очиқ суд мажлисида Жумақул Наштаров катта жаримага тортилди. Сигири билан новвосни сотиб, жаримани тўламоқчи эди, бироқ хотини зўр чиқди. Жарима жазоси қисқа муддатли қамоқ жазосига алмаштирилди. Аммо Жумақул ёзмасдан тура олмас экан. У ерда ҳам «доля» берасан, деб нозирлар устидан ёзаётганмиш.

Барди ЖУМАНИЁЗОВ,
Хива тумани

Осори атиқалар

Беназир коллекциялар

Француз императори Наполеон Бонапарт фойдаланган стол кимошди савдосида 96,5 минг фунт стерлингга (192 минг доллар атрофида) сотилди. Тезкор замоннинг бу сингари янгиликлари эшитган қулоқни ҳайратга солса-да, бундай ҳодисалар ким учундир одатий янгилик, холос. XXI аср инсоният учун ахборот технологиялари даври эканидан ташқари, антиқа коллекциялар замони сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Эндиликда одамлар тиклаган иморати, миниб юрган машинаси, кийими билан бир-бирларини лол қолдиришга деярли қизиқмай қўйишди.



Бугун диққатни ноёб санъат асарлари билан жалб этиш урфга айланди. Англаганингиздек, сўзимиз коллекционерлик хусусида. Инсоният ўз ақлий салоҳиятини санъат дурдоналарини яратишга, уларни асраб-авайлашга сафарбар эта бошлади. Бундай истак ҳаммага ҳам насиб қилавермаслиги, табиий. Санъатнинг мўъжизавий намуналарини тўплашни ихтиёр этган инсонларнинг ҳиссиёти маънавий оламига уйғунлашиб кетган бўлади. Санъат асари ўз коллекциясидан жой олмагунича юраги таскин топмайди, ҳаловати ўзида бўлмайди. Бундайлар маълум маънода мазкур жамланмаси билан умум фаолиятига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Улар тўплаган санъат дурдоналари миллат ўтмишини асрлардан-асрларга олиб ўтувчи кўприкдир. Санъат асарларига қизиқиш, уларни тўплаш, асраш, яъни коллекционерлик тарихан жуда қадим даврларга бориб тақалади.

Коллекционерлик инсоннинг моддий ижод намуналаридан маънавий ҳузурланиши ва завқланиши демакдир. Коллекционерлик касб эмас, балки инсоннинг бениҳоя юксак ҳиссий ва маънавий идроки таъсирида юзага келадиган фаолият. Гўзалликни ҳис этган, ундан ҳузурланган инсонда табиий эҳтиёж туфайли ўша гўзалликни асраш истаги шаклланади.

Қадриятлар — бебаҳо мулк. Уни халқ яратади, халқ асрайди. Коллекционерликни ўз шахсий манфаатини халқ манфаатидан устун қўювчи айрим инсонларнинг шунчаки ҳавасига йўйиб бўлмайди. Шунга кўра, коллекционерликни халқ қадрияти тарзида идрок қилиш, ривожлантириш ва ҳатто умумфаолиятга айлантириш, инсоннинг ички маданиятидан, маънавий-ахлоқий қиёфасидан то бутун бир миллатнинг илмий, маданий-маърифий фикрлаш даражасигача кўтариш, ижтимоий фаоллигидан келиб чиқадиган ҳодиса дейиш мумкин. Коллекционерликнинг кенг миқёсдаги ривожи ҳар қандай халқ амалий санъатининг янада тараққий этишида муҳим омиллардан биридир. Ўз-ўзидан маълумки, халқ амалий санъати асарларининг асосий харидорлари ҳам, аввало, коллекционерлардир.

Юртимизда узоқ йиллар ҳукм сурган тоталитаризм сиёсати маҳаллий халқнинг ўз аждодлари ўтмишига, унинг ноёб санъат асарларига бўлган муҳаббатини бўғиб қўйгани сир эмас. 130 йилдан кўпроқ ҳукм сурган бундай сиёсат шароитида коллекционерлик ҳақида гапириш уёқда турсин, ҳатто хаёлга келтириш ҳам қийин бўлган. Боз устига, ўша пайтларда санъат асарларини ноқонуний ўзлаштиришни тарғиб қилувчи қатор фильмлар яратилдики, улар одамлар юрагида қўрқинч ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келди. Собиқ иттифоқ даврида миллатдошларимиз ота-боболаридан мерос қолган ёдгорликларни ўз уйларида сақлашга ҳам ҳадиксираб қолишганди. Санъат дурдоналарига "эскилик сарқити", дея муносабат билдирилди. Моҳиятан бу сиёсат бутун бир миллатни ўзлигидан, ўтмишидан айиришга қаратилган эди. Шу боис кўплаб қўлёзмаларнинг, ижод намуналарининг қадрсизланиб, йўқ бўлиб кетгани айни ҳақиқат.

Мустақилликдан сўнг қадимдан мавжуд бўлган ва довруғи етти иқлимга ёйилган касаначилик, кандакорлик, сополчилик, темирчилик мактаблари қайта тикланди. Уларнинг фаолияти давлат ҳомийлигига олинди. Мамлакатимизда "Халқ устаси" деган давлат унвони таъсис этилди. Ҳунармандлар уюшмасига асос солинди. Таъкидлаш ўринлики, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздагидек халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга бу қадар эътибор ва рағбат мавжуд эмас. Аммо бугун халқ санъатига оид асарларнинг замонавий, айниқса, қадимий намуналарини тушуниш, зарурат бўлганда уларни баҳолаб, сотишда етарлича илмий маълумот ва амалий тажрибага эга эмаслиги ҳам бор гап.

Бу муаммони бартараф этиш учун телевидение, радио ва матбуотдан кенг фойдаланмоқ зарур. Қадимий ва кўҳна буюмлар қийматини англашда, уларни келажак авлодга безавол етказишда, оммага атрофлича билим ва тушунчалар беришда оммавий ахборот воситалари муҳим манбадир.

Собиқ иттифоқ даврида Россиянинг ўзида коллекционерлик кенг ривож топган. Саксонинчи йиллар сўнггида Москва шаҳрида "Раритет" коллекционерлар клубига асос солингани маълум. Шунингдек, қатор даврий нашрларда, хусусан, "Работница" журналида "Бизнинг коллекция" рукни мавжуд эди. Журналнинг 1988 йил чоп этилган 11-сонида техника фанлари доктори Анатолий Ганиуллиннинг турмуш ўртоғи билан рус қўнғироғи (колокольчик)ни тўплашдаги фаолияти кенг ёритилган.

Ўзимизда эса Нурота, Шаҳрисабз касаначилик мактабларининг довруғи етти иқлимга ёйилган. Бухоро зардўзлик мактабининг шуҳрати ҳаммамизга маълум. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, фарзандларимиз булар ҳақида назарий билимларга эгами? Умуман, мактаб ўқувчиси бундай ноёб тўпламлар — коллекциялар тўғрисида бирор кўникма ҳосил қилганми? Коллекционерлар миллатга мансуб санъат асарларини ўша давлатнинг ўзида жамлашга катта ҳисса қўшадилар. Қайсидир йили рус рассомлари томонидан яратилган, XVIII асрга оид, аммо турли сабаблар билан Англияга бориб қолган асарлар кимошди савдосига қўйилган. Табиийки, савдога, энг аввало, рус коллекционерлари шошилишди ҳамда сотувга қўйилган асарларнинг деярли ҳаммасини сотиб олишди. Нодир санъат дурдоналари шу йўсинда ўз ватанига қайтарилди.

...Қуёш Арабистон кенгликларини сахийлик билан нурга буркаб, курраи замин узра кўтарила бошлади. Чўл бироз салқин, карвонбоши туя ўркачларига мустаҳкам ва қулай ўтириб олган, қандайдир мамнун. У қўлида тутиб олган китобни худди она ўз боласини кўксига маҳкам қучиб олгандай эҳтиётлаб борарди. Бу муқаддас китоб Ҳазрат Усмон Мусҳафи бўлиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг топшириғига биноан уни Самарқандга олиб келишаётган эди. Мўъжизавий истак рўёбга чикди. Ҳазрати Усмон томонидан китоб шаклига келтирилган Қуръони Карим Бибихоним мадрасасида қўним топди. Аммо чоризм босқини даврида бу муқаддас китоб Самарқанддан олиб кетилди. Тақдирнинг йўриғини қарангки, орадан йиллар ўтиб, бу муқаддас мерос Юртбошимиз ташаббуси билан Ватанимизга қайтарилди.

Санъатга халқчил муносабатда бўлиш улуғ эҳтиром, беназир ҳурматдир. Аслида бундай тўпламлар йиғмаси, шахсий коллекциялар жамланмаси қизиқувчанликдан ҳам кўпроқ миллатнинг тарихан шаклланиш босқичларидан, ўтмишдан сўзлагувчи забонсиз манбалардир.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ

Reklama

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Маҳрам кўчаси 147-уйдаги 2-Батальон ППХ объектларини реконструкция қилиш ишлари.

Муддати — **01.07.2014 йил.**

Бошланғич нархи — **3 373 930 387 сўм ҚҚС билан; 2 811 608 656 сўм ҚҚСсиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй. Тел.:8(373) 400-52-80, факс: 244-24-33

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй.

Телефон/факс: 8 (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37- уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. Фарғона вилояти Фарғона туманида 12х22м ўлчамли бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маъмурий биноси қурилиши.

Бошланғич нархи— **738 532 100 сўм ҚҚС билан; 615 443 400 сўм ҚҚСсиз.**

2. Фарғона вилояти Қўштепа туманида молия бўлими, ғазначилик ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маъмурий биноси қурилиши.

Бошланғич нархи—**1 976 514 400 сўм ҚҚС билан;1 647 095 300 сўм ҚҚСсиз.**

Қурилиш муддати – **2014 йил июн ойи.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй.

Тел.: 8 (373) 400-52-80, факс: 244-24-33.

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй. Телефон/факс: 8 (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37- уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

қуйидаги мақсадларга:

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлатгич, теле аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ.

Кредитларни "Асака" банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўн каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами: (8-371) 120-82-88.

"Асака" банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк – обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел: 233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Акмал Жумамуродов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Адади: 4374 Буюртма — J-8222 12345